

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН
ДЕКЛАРАЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА АМАЛ
ҚИЛИШИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент-2008

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси нормаларининг фуқаролик ҳуқуқида амал қилиши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. –104 бет.

ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, профессор **И.Б.Зокиров**нинг умумий таҳрири остида.

Нашр учун масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори
Д.М.Қараходжаева

Тақризчилар: юридик фанлар доктори **М.У.Усманова**
юридик фанлар номзоди, доцент **Б.Н. Тошев**

Муаллифлар жамоаси

1. **Зокиров Икром Бекенович**, юридик фанлар доктори, профессор;
2. **Қараходжаева Дилором Мамировна**, юридик фанлар доктори;
3. **Баратов Миродил Хамидович**, юридик фанлар номзоди, доцент;
4. **Имомов Нурилло Файзуллаевич**, юридик фанлар номзоди, доцент;
5. **Юлдашева Шоира Рахматовна**, юридик фанлар номзоди;
6. **Туроббеков Тимур Мырзалиевич**, юридик фанлар номзоди;
7. **Топпилдиев Баҳром Раҳимжонович**, юридик фанлар номзоди;
8. **Юлдашев Жаҳонгир Иномович**, катта ўқитувчи;
9. **Ашурова Наргиза Аъзамовна**, ўқитувчи;
10. **Шорахметова Умида Шоакбаровна**, ўқитувчи.
11. **Темирова Наталья Сабировна**, катта ўқитувчи.

Мазкур ўқув қўлланма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақоми, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи, фуқароларнинг турар-жойга бўлган ҳуқуқи, фуқароларнинг ижод эркинлиги, нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишдаги ўрни, оила ҳуқуқи нормаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар миллий қонун ҳужжатлари нормалари асосида қиёсий таҳлил усулида ёритилган.

Нашр ўрта мактаблар, академик лицейлар ва вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига қизиқувчи кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси, 2008.

© Тошкент давлат юридик институти, 2008.

КИРИШ

“Инсоният тарихида энг ноёб ҳужжат” сифатида баҳоланадиган 1948- йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи, халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этувчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Декларация тушунарли, содда ва раво тилда, барча тушуниши мумкин бўлган даражада ёзилганлиги билан ҳам ажрелиб туради. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бевосита алоқадор 1966 йил 16 декабрда қабул қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий, шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги икки халқаро Пакти, 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Конвенция; 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган “Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги халқаро Конвенция; 1971 йил 20 декабрда қабул қилинган “Ақли заиф шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Декларацияси; 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Декларацияси; 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларини тугатиш тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси; 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Жиноятчиликнинг қурбонлари ва ҳокимиятлар томонидан суиистеъмомчиликларнинг қурбонларига нисбатан одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Декларацияси; 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция; 1993 йил 20 декабрда қабул қилинган “Ногиронлар учун тенг имкониятлар яратиш тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қоидалари; 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган “Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Конвенцияси, 1978 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ирк ва иркий хурофотлар тўғрисида”ги ЮНЕСКО Декларацияси; 1958 йил 25 июнда қабул қилинган “Меҳнат ва фаолият соҳасида камситиш тўғрисида”ги ХМТ (N 111) Конвенцияси; 1989 йил 27 июнда қабул қилинган “Мустақил давлатлардаги туб аҳоли ва қабиладан таркиб топган халқлар тўғрисида”ги ХМТ (N 169)

Конвенцияси, 1997 йил 11 ноябрда қабул қилинган “Инсон геноми ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги умумжаҳон Декларацияси каби бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, лекин уларнинг барчаси учун “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да белгиланган нормалар асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши белгиланган бўлиб, буларнинг барчасининг замирида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг нормаларидан келиб чиқувчи қоидалар ўз аксини топган. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ, ушбу асосий қонун халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда қабул қилинаётганлиги ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига асосан, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Конституциянинг лойиҳаси инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсон-парвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади”¹

Мазкур ўқув қўлланма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган нормаларнинг моҳиятини англаш, тушунишга хизмат қилади. Унда фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақоми, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи, фуқароларнинг турар-жойга бўлган ҳуқуқи, фуқароларнинг ижод эркинлиги, нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишдаги ўрни, оила ҳуқуқи нормаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар миллий қонун ҳужжатлари нормалари асосида очиб беришга ҳаракат қилинган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 36-37.

І БОБ. ИНСОН-ФУҚАРО ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ СУБЪЕКТЛИЛИГИ

Инсон ва фуқаро тушунчалари гарчи синоним сўзлардек туюлсада, лекин бу икки тушунча ўртасида фарқ мавжуд. Инсон тушунчаси фалсафий тушунчадир. Инсон бу биологик онгли мавжуддир. Мазкур тушунча кенг қамровли, бутун дунёда истикомат қилувчи ибтидоий ёки маданий кўринишда ҳаёт кечиришидан катъи назар барча инсонларни қамраб олади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг қабул қилишдан асосий кўзланган мақсад ҳам айнан шу кенг қамровлилик билан боғлиқлиги сабабли Декларацияда айнан “инсон” тушунчаси қўлланилган.

Фуқаро тушунчаси юридик тушунчадир. У муайян давлатга тегишлилик билан белгиланади. Шу сабабли ҳуқуқшуносликда “инсон” тушунчаси ўрнига одатда фуқаро тушунчаси қўлланилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий норма фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектларига бирдай қўлланган ҳолларда “субъектлар” атамаси ўрнига “шахслар” атамаси қўлланилади¹ Шахс атамаси ижтимоий тушунчадир. Лекин барча инсонларга ҳам “шахс” иборасини қўллаб бўлмайди. “шахс” тушунчаси “инсон” тушунчасига қараганда кенг маънога эга. Зеро, шахс тушунчаси нафақат жисмоний шахсларни, балки юридик шахсларни ҳам ўз ичига олади. Юридик адабиётларда таъкидланганидек, инсонлар шахс бўлиб туғилмайдилар, балки шахс бўлиб шаклланадилар.

Бундан ташқари, инсонга нисбатан “жисмоний шахс” тушунчаси ҳам қўлланилади. Бу тушунча кенг маънода ижтимоий ҳаётда субъект сифатида намоён бўлувчи жисмий мавжуд субъект ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида инсон тушунчасига бир пайтнинг ўзида ҳам жисмоний шахс ҳам фуқаро тушунчалари қўлланилади.

Бундай фикр юритишга асосий сабаб фуқаролик ҳуқуқининг махсус манбаи ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 16-38-моддаларини ўз ичига олувчи 3-боби айнан “фуқаролар (жисмоний шахслар)” деб номланишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 16-моддасида фуқаролар (жисмоний шахслар) тушунчаси берилган. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқаро (жисмоний шахс) тушунчасини беради.

¹Гражданское право. Учебник. в 3т. Т.1. 6-е изд.Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект, 2003. –С.99

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 15-моддасига асосан ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Муайян давлатга тегишли бўлган фуқаролик шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг¹ 4-моддасига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳисобланадилар:

1) ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва савиясидан қатъи назар, ушбу қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқийётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

Чет эл фуқаролари деганда, Ўзбекистон Республикасидан бошқа суверен давлатга тегишли бўлган фуқаролар тушунилади.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да инсон ҳуқуқлари кенг қамровли барча ҳуқуқ соҳалари учун манба бўлувчи нормалардан таркиб топган. Лекин ушбу Декларацияда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида фуқаро-инсонга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам ўз ифодасини топган. Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизими соҳаларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Қонгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, N 9, 338-модда.

бири бўлиб, мамлакатимизда иктисодий муносабатларни такомиллаштириш, босқичма-босқич бозор иктисодиёти муносабатларига ўтиш даврида фуқаролар ва бошқа субъектларнинг моддий, маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ кондириш мақсадида мулкрий муносабатларни ҳамда мулкрий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш, мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир. Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доираси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриялари ва ўзга мажбурияларни, шунингдек бошқа мулкрий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Ҳарчи фуқаролик ҳуқуқи шахсий муносабатларнинг кўплаб турини тартибга солса-да, лекин, ҳар қандай шахсий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинавермайди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-моддаси, 4-бандига асосан шахсий номулкий муносабатлар ва мулкрий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади. Ушбу модда қондаси тегишли йўсинда юридик шахсларга ҳам тадбиқ этилади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос услуби ва хусусиятлари бор, бу билан у ўзига ёндош бўлган бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради. Чунончи, фуқаролик ҳуқуқи оила ҳуқуқи, моллия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ бўлса ҳам, мулкрий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солишда бу ҳуқуқ соҳаларидан маълум даражада фарқ қилади. Дастлаб фуқаролик ҳуқуқининг оила ҳуқуқидан фарқи тўғрисида тўхталиб шуни айтиш керакки, оила ҳуқуқи никоҳ ҳамда оилага тааллуқли бўлган муносабатларни, эр хотин, ота-оналар билан болалар ўртасидаги, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатларни, фарзандликка олиш, шунингдек давлат органларининг оилани мустаҳкамлаш ҳамда оналар ва болаларга моддий ёрдам кўрсатишга тааллуқли муносабат-

ларни тартибга солади. Бу ҳуқук соҳаси фуқаролик ҳуқуқининг маълум бир қисми бўлиб қолмай, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Никоҳ ва оилага оид муносабатлар махсус кодекс Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси¹ билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқида мулкӣ муносабатлар эмас, балки шахсий-ҳуқуқӣ муносабатлар устунлик қилади. Бу муносабатлар оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ муносабатларнинг хусусиятларини белгилайди. Мисол қилиб алимент мажбуриятларини олсак, бу мажбуриятлар мулкӣ характерда бўлган муносабатлардан эмас, балки шахсий, оилавий (эр ва хотинлик, қариндошлик) муносабатларидан келиб чиқади.

Оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ муносабатлар ва шахсий номулкӣ муносабатлар фақатгина битта оила аъзоси ўртасида вужудга келади ҳамда бу ерда фуқаролик ҳуқуқи учун энг асосий ўринни эгаллайдиган кенг маънодаги мулкӣ муомала (оборот) кузатилмайди. Агар оила аъзолари ўртасида ўзаро фуқаролик муомаласи (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш) амалга оширилса ҳам, бу ҳолат оила ҳуқуқи меъёрлари билан эмас, фуқаролик ҳуқуқи меъёри билан тартибга солинади.

Агар мулкӣ муносабатларда давлат ҳокимияти органлари сифатида қатнашиб, мазкур муносабатларда иштирок этувчиларга ўз эрқларини буюрсалар, бундай мулкӣ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига эмас, балки маъмурий ҳуқуққа тааллуқли бўлади. Чунончи, юқори давлат органининг ўз ваколати доирасида чиқарилган буйруғига мувофиқ муайян бинолар, ускуналарни топшириш-қабул қилиш билан боғлиқ муносабат маъмурий-ҳуқуқӣ муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Агар мулкӣ муносабатларда давлат органлари фуқаролик оборотининг иштирокчиси сифатида бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли бўлиб ва бир-бирларига ўзларининг эрқларини буйруқлар тартибида буюра олмайдиган бўлиб қатнашсалар – бундай муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли бўлади.

Солиқлар олиш, ташкилотларни пул маблағлари билан таъминлаш, фуқароларга пул ссудалари беришга доир ва бошқа бирмунча муносабатлар молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади.

Шахсий ҳуқуқлар фақат фуқаролик ҳуқуқи билан кўриқланмайди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий ҳуқуқлари, масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.. Ададат. Расмий нашр.2007.

фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари давлат ҳуқуқи томонидан кўрикланади.

Меҳнат муносабатлари-алоҳида гуруҳга кирадиган муносабатлардир. Меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизоми, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти ижтимоий суғурта ва меҳнат билан боғлиқ бўлган бошқа хусусий муносабатлар меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида”ги нормаларнинг моҳиятини ёритиб беришда айнан фуқаролик ҳуқуқи доирасида ёндошамиз.

Ҳуқуқ субъектларини характерлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларида иборат. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади (ФКнинг 17-моддаси). Ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлмай туриб, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди. Бу қоида одатда юридик шахсларга тааллуқли бўлса-да, жисмоний шахслар учун аҳамиятли ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 2-моддасига асосан ҳар бир инсон ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳам белгиланган. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Ушбу қоидага асосланган ҳолда фуқаролик ҳуқуқида фуқаролар ҳуқуқ лаёқатида тенг ҳисобландилар. Яъни, барча фуқароларга бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ лаёқати мазмуни Конституциянинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимидаги қатор моддаларда кенг таърифланган ва мустаҳкамланган. Унда фуқароларнинг

мол-мулкка эга бўлиши, мерос олиши, мерос қолдириши, касб ва турар-жой танлаш, фан, адабиёт, санъат асарлари яратиш, тадбиркорлик фаолияти билан ва умуман қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, шунингдек бошқа кенг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкинлиги айтилган ва асосий қонун даражасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мазмуни ФКнинг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан фуқаролар:

- мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари;
- мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари;
- банкда жамғармаларга эга бўлишлари;
- тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари;
- ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, ўзлари мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар билан биргаликда юридик шахс ташкил этишлари;
- қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузишлари ва мажбуриятларда қатнашишлари;
- бошқа шахслар томонидан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари;
- машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари;
- фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларнинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари;
- шунингдек, бошқа мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролик кодексида нормаланган ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 2, 3, 7, 12-14, 17, 18, 20, 23-моддаларида бевосита ўз аксини топган.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ҳақидаги, шунингдек ўз ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (қонуи йўл қўйган ҳоллардан ташқари) (ФКнинг 23-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 43-моддаси айрим фуқаролик ҳуқуқларидан, чунончи: хизмат бўйича чеклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, муа-

йян ҳуқуқдан маҳрум қилишни кўзда тутати. Жиноят қонунида ҳуқуқдан маҳрум қилиш вақтигача чора сифатида кўзда тутилади¹

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 45-моддасида кўрсатилганидек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бир йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Бу муддат ўтгач фуқаронинг маҳрум қилинган ҳуқуқи қонуний асосларда тикланиши мумкин.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 1-моддасига мувофиқ, ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Эркин туғилиш ўз-ўзидан уларга фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини беради.

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан то вафот этгунигача ундан ажралмайди, у билан бирга бўлади. Янги туғилган чақалоқ ҳам ҳар хил ҳуқуқларга, чунончи, яшаш ҳуқуқи, овқатланиш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи каби қатор табиий ҳуқуқларга шу жумладан, оналардан тарбия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Ақли заиф ва руҳи хасталар ҳам ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланадилар. Улар, хусусан, даволаниш, пенсия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар. Уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари тўлиқ ҳажмда сақланади.

Киши туғилиши билан унинг ҳаёти бошланганидек, туғилиши билан ҳуқуқ субъекти сифатида яшаши ҳам бошланади. Кишининг туғилиш факти муҳим юридик аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли боланинг туғилиши фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида (ФХДЁ) давлат рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказилмаслик туғилган боланинг ҳуқуқига таъсир этмайди. Фақат унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳаракатларни амалга оширишда қийинчилик туғдиради

Ҳуқуқ лаёқати субъекти бўлиб яшаш фақат шахсларнинг туғилиши билан бошланса ҳам, қонун баъзи ҳолларда ҳаммининг, яъни ҳали туғилмаган боланинг-келгусидаги ҳуқуқ субъектининг манфааглари ҳам эътиборга олади ва кўриқлайди. Масалан, қонунга асосан мерос қолдирувчи вафот этган, яъни қонунда белгиланган тартибда мерос очилганидан сўнг туғилган болалари ҳам ворис бўла оладилар (ФКнинг 1118-моддаси). Уй-жой кодексида кўрсатилганидек, фуқароларга уй-жой берилганида турар-жой ҳажмини белгилашда оилада ҳомилалар аёлларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

Ҳуқуқ лаёқати киши, яъни ҳуқуқ субъекти вафот этиши билан туғайди. Вафот этган кишининг то вафотига қадар ихтиёрида бўлган ҳуқуқ ва зиммасидаги мажбуриятларнинг бир қисми (мулкӣ, шахсий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Т Алолат. 2008.

хукук ва мажбуриятлари) бекор бўлади, шу билан бирга баъзи мулкий ҳуқуқлар ворисларга ўтади. Вафот этиш қатор ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган фактдир. Шунинг учун ўлим ҳам туғилиш сингари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида (ФХДЁ) да оила қонунчилигига мувофиқ қайд этилади.

Нормал тартибда гувоҳлантирилган ўлим ҳолларидан ташқари, қонун фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва вафот этган деб эълон қилиш институтини ҳам билади.

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир (ФКнинг 22-моддаси). Муомала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва ҳоказолар).

Муомала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайдилар. Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шартини шундан иборатки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар акли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар. Маълумки, янги туғилган бола тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам, ўз ҳаракатлари билан биронта ҳуқуқ ва мажбурият олмайди. Оғли ҳаракатлар қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади. Бинобарин, фуқаролик муомала лаёқатининг фуқаро тўла ҳажмда вояга етиш билан вужудга келишини кўрсатади. Вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, мулкий муносабатларда тўла қатнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий ҳуқуқлар билан бирга бошқа фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Қонун вояга етиш ёшини белгилаш билан бир қаторда, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиши белгилайди (ФКнинг 22-моддаси).

Вояга етган фуқаролар тенг даражада муомалага лаёқатли ҳисобланадилар. Фуқароларнинг муомала лаёқати фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФКнинг 23-моддаси).

Тўла муомала лаёқати юкорида кўрсатилганидек, ўн саккиз ёшга етган фуқароларга берилгани сабабли бу ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда улар иккига бўлиниб, яъни ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар муомала лаёқати ўзига хослиги билан ажралиб туради.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да инсон ҳуқуқлари умумий асосда ҳимоя қилиниши белгиланган бўлса-да, лекин унда махсус вояга етмаганларга тушунча берадиган, вояга етмаганлар доирасини белгиловчи нормани учратиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида вояга етмаган ибораси ўрнига бола тушунчаси ишлатилади. Лекин унинг ҳар бир нормасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари сингдирилган ва улар ёши катта фуқаролар билан бирдай ҳимоя қилинади ва муҳофаза ҳуқуқи кафолатланади.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) тўла равишда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун битимларни уларнинг номидан ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузадилар.

Бировга етказилган зарарлари учун ҳам кичик ёшдаги болалар жавобгар бўлмайдилар. Улар учун ота-оналари ёки бошқа шахслар жавобгардир. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг банкларга омонат қўйиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқлари конун билан белгиланади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар (ўсмирлар) қисман муомалага лаёқатли бўлиб, қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийлари)нинг розилиги бўлган тақдирда ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишлари мумкин.

Ўсмирлар битимларни ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларининг розилиги билан тузадилар. Аммо улар мустақил равишда ўзларининг иш ҳақлари ёки стипендияларини тасарруф қилишга, ўз асарлари, ихтироларига бўлган муаллифлик ҳамда ихтирочилик ҳуқуқларини, ўз кашфиётларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга, кредит муассасаларига маблағлар қўйиш ва уларни тасарруф этишга, шунингдек, майда маиший битимларни тузишга ҳақлидирлар. Улар 16 ёшдан кооперативларга аъзо бўлиб киришлари мумкин.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қонуний вакиллари ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига кўра ўсмирнинг ўз иш ҳақи ёки стипендиясини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқини

чеклаши ёки бу ҳуқукдан маҳрум этиши мумкин (ФКнинг 27-моддаси 8-банди). Ўсмирлар бошқа шахсларга етказилган зарарлари учун ФК билан белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Руҳий касаллар ва ақли заифлар тўла ҳажмда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Онгли ҳаракатлар қилиш ва ўз ҳаракатларининг юридик оқибатларини ҳисобга олиш лаёқати (муомала лаёқати)га, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли эга бўлмаган фуқаро муомала лаёқатига эга эмас деб топилиши мумкин. Ҳар қандай руҳий касаллик ёки ақли заифлик фуқарони онгли ҳаракатлар қилиш ва фуқаролик муомаласида қатнашиш лаёқатидан маҳрум қилмайди. Руҳий ҳолат бузилиши фактининг ўзигина кишини муомалага лаёқатсиз деб топишга асос бўлмайди. ФКда кўрсатилишича, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин, шу муносабат билан унга нисбатан васийлик белгиланади (ФКнинг 30-моддаси). Таъкидлаш жоизки, юқоридаги асосларга кўра фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш учун фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиши зарур.

Руҳий касални ёки ақли заиф кишини суд томонидан тайинланган психиатор (руҳшунос)ларнинг иштироки билан бўладиган махсус комиссия томонидан кўриб текшириш ва унинг натижалари ҳақида далолатнома тузиш суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни васийлари тузادилар.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва белгиланган васийликни бекор қилади (ФКнинг 30-моддаси). Қонун баъзи ҳолларда вояга етган фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳолларини назарда тутаяди, чунончи, ФКнинг 31-моддасида кўрсатилишича, спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида ўз ояласини оғир моддий аҳволга солиб кўяётган фуқаронинг муомалага лаёқати ФПКда белгиланган тартибда суд томонидан чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин, буларни у майда маиший битимларни истисно қилганда, битимларни ҳомийнинг розилигисиз тасарруф эта олмайди.

Агар фуқаро спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик моддаларини суистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқати чеклан-

ганлигини бекор қилади. Суд қарорига асосан унга нисбатан белгиланган ҳомийлик ҳам бекор қилинади.

Муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкӣ ҳуқуқларни кўриклаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади.

Васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс - ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий касал ва ақли заифлар номидан васий ҳаракат қилади ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек, уларни учинчи шахсни баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан саклайдилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан кўзи ожиз (кўрлик), майиблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади¹

Маҳаллий органлар васийлик ва ҳомийлик органлари бўла олади. Улар вояга етмаганларга нисбатан васийлик ҳаракатларини амалга оширишни ёш болаларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига, руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан – соғлиқни саклаш бўлимларига, васийликка олинувчиларнинг бошқа тоифаларига нисбатан эса – ижтимоий таъминот бўлимлари амалга оширадилар. Қишлоқ жойларида васийлик ва ҳомийлик фуқаролик йиғинлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига ва соғлиғи туфайли ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган, ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқаро-

¹ Юлдашова Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари.// Ёш олимлар гўплами. №1. -Т.. ТДҚОИ. 2002. -54-59 б.

ларига васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик идоралари зиммасига юкланади. Агар васийликка олинувчининг мулки у турган жойда бўлмаса, икки васий: бири унинг ўзига нисбатан, иккинчиси васийликка олинган шахснинг мулкига нисбатан тайинланиши мумкин.

Ота-оналар васийлик ва ҳомийлик вазифаларини алоҳида тайинланмай, қонун бўйича бажарадилар. Ота-оналари бўлмаган тақдирда ёки улар амалда бу вазифани биронта сабаб, масалан, қамоқда ёки шифохонада бўлиши туфайли бажара олмасалар ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлсалар - васийлик ва ҳомийлик органлари васий ва ҳомийни, биринчи навбатда, васийликка олинувчига ёки ҳомий тайинланаётганга яқин шахслардан бирига тайинлайди.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар, суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар собиқ фарзандликка олувчиларнинг фарзандликка олганлиги Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган шахслар (яъни ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган, фарзандликка олинганларга нисбатан, шафқатсизлик билан муомалада бўлаётган, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган шахслар) қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик (ҳомийлик) вазифаларидан четлатилган шахслар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар, қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас¹

Васий ва ҳомийнинг асосий вазифаси васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, васийликка олинувчининг манфаатларини кўриқлашдан иборат. Бинобарин, васийликка олувчи ўзига ишонилган мулкдан ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У васийликка олинган шахсни асраш ва унинг мулкни идора этиш ҳаражатиinigина ундиришга ҳақли. Умумий қоида бўйича васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас. Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган ҳаражатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маб-

¹ Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом. Тўплам. -Т.: Адолат. 1999. 76-77 бетлар.

лағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлаши мумкин.

Васий васийликка олинган шахс томонидан битимлар тузишга ҳақли, лекин васийликка олинувчининг мулкый аҳволига ёмон таъсир этадиган битимлар тузишда васийлик органларининг розиликлари билан иш қилиш лозим. Нотариал гувоҳлантиришни талаб қиладиган шартномалар тузиш, васийликка олиган шахсга қарашли мулкый ҳуқуқлардан воз кечиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби ҳаракатлар учун васийлик органларининг розилиги зарур. Ёш болаларга қарашли иморатларни сотиш учун васийлик органларидан махсус рухсат олиниши керак.

Васий васийликка олинган шахснинг ўзи билан ва унинг номидан ўзининг яқин кишилари билан битимлар туза олмайди, чунки бунда васийликка олинувчининг манфаатларига зарар келтириб, ўзига яқин кишиларнинг манфаатларига устунлик бериш хавфи бор.

Васийлар вояга етмаган шахсларнинг тарбияланишлари, соғликлари ҳақида ғамхўрлик қилишга ва улар билан бирга туришга мажбур. Рухий касалларнинг васийлари эса, уларни даволаш ва соғликлари мувофиқ шароитда асраш тадбирларини таъминлашлари лозим.

Ҳомийлар ғамхўрлик қилиш учун ўзларига ишонилган шахсларга, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида ёрдам кўрсатадилар, уларни учинчи шахсларнинг ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Битим тузиш учун васийлик ва ҳомийлик органларининг розиликлари талаб қилинмаган ҳолларда, битимлар тузишга розилик бера оладилар.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатларсиз ҳимоя қила оладилар (ФКнинг 32-моддаси).

Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ бўлган муносабатларга оид асосий қоидалар Оила кодекси ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг ўлими натижасида батамом тугайди. Аммо ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган ноаниқликларни бартараф этиш учун шу ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларидан бири бўлган фуқаро айрим сабабларга кўра доимий яшаш жойидан узок муддатга кегиб қолганда, унинг ҳақиқий яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаса, бундай ҳолларда бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида, умуман ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам бедарак йўқолган деб топиш институти катта амалий аҳамиятга эга. Бу институт бедарак йўқолган фуқаронинг қариндошлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди.

Турмушда шундай воқеалар ҳам бўладики, баъзан бир фуқаро ўзининг доимий яшаш жойига узок муддат келмай кўяди. У ўзининг қаерда турганлиги тўғрисида бирорта маълумот ҳам юбормайди. Унинг қаерда яшаётганини ёки қаерга кетганини аниқлашга қаратилган барча ҳаракатлар беҳуда кетади. Унинг тирик ёки вафот этганлигини аниқлаш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳам ҳуқуқий муносабат қатнашчиси бўлган фуқаронинг анча вақт йўқолиб кетиши унинг ҳуқуқий муносабатдаги тақдирига таъсир қилмаслиги керак. Одатда, бундай фуқаронинг доимий яшаб турадиган жойида қандайдир мулклари қолади. Бу шахс бирон-бир мажбуриятда қарздор ёки кредитор бўлиши мумкин. У шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятнинг эгаси бўлгани учун бошқа кишиларнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиши, чунончи, никоҳда бўлиши, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятига эга бўлиши ҳам мумкин. Фуқаронинг узок вақт доимий турар жойига қайтиб кела олмасдан бедарак йўқолиб кетиши кўп вақтга чўзилиб кетмаслиги керак. Чунки давлат фуқаролик ҳуқуқи муносабатнинг бундай беқарорлигига бефарқ қарай олмайди. Бедаарак йўқолган фуқаронинг яқин кишиларининг, кредиторларининг, давлатнинг ва ниҳоят ўзининг шахсий манфаатлари, бундай ноаниқлик ва беқарорликларнинг тугатилишини талаб этади.

Башарти бедарак йўқолган фуқаро ўлган бўлса, унинг бирон-бир ҳуқуқий муносабатда бўлиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, унга тегишли бўлган ҳуқуқ ва бурчлар бошқаларга ўтиши керак. Манфаатдор шахслар эса, унинг ворисларига нисбатан ўзларининг тегишли эътироз ва даъволарини билдириш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролик кодекси 33-моддасининг биринчи қисмида бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида умумий қоида берилади. Унга асосан, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш унинг фуқаролик ҳуқуқларини бекор қилмайди. Аксинча, бедарак йўқолган деб топилган фуқаро-

нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар амалга оширилиши талаб қилинади.

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома (ФКнинг 49-боби) асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади. Бу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади, унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади (ФКнинг 34-моддаси).

Манфаатдор шахсларнинг аризалари бўйича васийлик ва ҳомийлик қилувчи орган бедарак йўқолган фуқаронинг мулкни қўриқлаш учун, шунингдек унинг мулкни идора этиш учун, унинг қаерда эканлиги тўғрисидаги охириги маълумот олинган кундан эътиборан бир йил ўтишини кутмасданноқ мулкка бошқарувчи тайинлаши мумкин.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш бошқа ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш топширик шартномасининг бекор бўлишига асос бўлади. Агар фуқаро жиноят қилган ёхуд алиментларни ундириш иши бўйича қидирувдан яшириниб юрган бўлса, бундай ҳолларда у бедарак йўқолган деб топилмайди.

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаро қайтиб келган ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд унинг бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорни бекор қилади. Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкни бошқариш бекор қилинади (ФКнинг 35-моддаси).

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги асосий қоида ФКнинг 36-моддасида берилган. Бу қоидада айтилишича, “агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан

этиборан камида икки йил ўтганидан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин”

Фуқаро вафот этган деб эълон қилинганда унинг ҳуқуқий муносабатлари тугайди, мулкига нисбатан мерос очилади, шахсий мажбуриятлари тамом бўлади ва ҳоказо.

Башарти вафот этган деб эълон қилинган фуқаро тирик бўлса, унинг барча ҳуқуқий муносабатлари амалда давом этаверади. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган тақдирда ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб беришни уч йил (ФКнинг 150-моддаси талабига кўра) мобайнида сул орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулки, унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган бўлиб, бу шахслар ҳарнд нарҳини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тирикчилигини билла туриб, сотиб олганликлари исботлачса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мулки мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейинг унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади (ФКнинг 37-моддаси).

II БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ

Азиз ўқувчилар! Сиз мактаб давриданок ҳуқуқ илми ҳақида маълумот оляпсиз. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши шундай имкониятларни берапти. Юртбошимиз ҳам бежиз “мустақиллик – бу ҳуқуқ демакдир” демаганлар. Шу маънода мустақилликни мустаҳкамлашга, унинг ҳуқуқий заминини яратишга қаратилган ўтган йиллар давомида кўплаб қонун ҳужжатлари яратилди. Республикамиз бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди. Ана шундай ҳужжатлардан бири – 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидир. Мазкур Декларация инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро кўламда эътироф этилишидир. Декларациянинг 17-моддасига кўра, ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас”лиги белгиланади. Декларацияда назарда тутилган ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва ҳуқуқий давлат қуриш ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақазо этди. Бу иқтисодий ислохотлар мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, у 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида “Мулкчилик тўғрисида”ги қонун ва унга киритилган бир қатор ўзгаришларга асосан белгиланди.

Бу республикамиз тарихида мулк ҳақидаги биринчи яхлит қонун эди. Ушбу қонун ўз даври учун ўта муҳим, прогрессив аҳамиятга эга эди (кейинчалик мулкий муносабатларнинг айрим жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам нормаланди). Ҳар бир давлат, жамият ва айни вақтда оила, фуқаро учун ҳам мулк биринчи моддий манба ҳисобланади. Мулкчилик масаласининг ижобий ҳал қилиниши, айниқса, тегишли қонун ҳужжатининг қабул қилиниши соҳадаги бўшлиқни тўлдирди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг қонуний асосларини белгилаб берди. Унда мулк шакллари ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, фуқароларнинг мулки “хусусий мулк” деб белгиланиши диққатга сазовордир. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ

ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий қафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар, у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни ишлаб чиқишда бир қанча мураккаб муаммоларни тўғри ва изчил ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилди. Шубҳасиз, “бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат” (И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -45 бет.) эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тutilган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин” деб кўрсатилган (53-модда, 2-қисм). Хусусий мулкнинг асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий бозор муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини қафолатлайди.

Шу ўринда хусусий мулк ўзи нима? – деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига таянган ҳолда, хусусий мулк хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар хил асосларда ўзлаштириладиган мол-мулклар деб тушуниш мумкин бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва нодавлат юридик шахслардир (хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонд қабилар).

Хусусий мулкнинг тарихий моҳиятидан ва ҳозирги жаҳон мамлакатларида бўлган хусусий мулк тушунчаларидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда уни қонунчилигимизга жорий этдик. Шуларни ҳисобга олиб хусусий мулк ҳуқуқи деб – хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабатларини тар-

тибга соладиган ва мустақкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисига тушунилади. Бу хусусий мулк ҳуқуқининг объектив маъносини беради. Ушбу таъриф хусусий мулк билан боғлиқ бўлган ҳамма муносабатларни ўз ичига камраб олиб, уларни ҳуқуқ нормаларида мужасамланганини белгилаб беради. Хусусий мулк эгаси ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши мумкин, яъни мулкдор ишлаб чиқаришда жисмонан қатнашиб, у ёки бу ҳаракатни амалга оширади. Бу унинг ишчи, техник, ходим мутахассис ва бошқа ходимлардан бири бўлиб иштирок этишида кўринади. Мулкдорнинг билвосита, яъни, ёлланма меҳнатни жалб этиш билан ишлаб чиқаришда қатнашиши деганда, ўз ишлаб чиқаришига ўзга шахслар билан шартнома ёки келишув асосида ёлланма ишчи кучини жалб этиши, у ёки бу воситалар билан иштирок этиши тушунилиб, у мулк эгасининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишида, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгаллигида ҳар хил моддий маблағлар билан иштирокида кўринади.

Хусусий мулк ҳар бир фуқарога юқори даражада хусусий тадбиркорлик имкониятини амалга оширишни, ўзида мустақиллик, тиршиққоқлик, таваққалчиликни намоён этишини талаб қилади. Шунинг учун фуқаролар ўзларининг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, хусусий мулк ривожланишини амалда кўрсатмоқда. Шунингдек, хусусий мулк инсонларда иқтисодий фаоллик, кучли қизиқиш ва қатъи жавобгарлик хиссини уйғотиш хусусиятига эгадир. У иқтисодий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлиб, боқимандалик ва истеъмол ҳолатларига чек қўяди. У хусусий мулк эгасидан тўғри ҳисоб-китоб қилишни, жонбозлик кўрсатишни, эртанги кун учун жон куйдиришни талаб қилади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни унинг юқорида берилган тушунчасидан келиб чиқади. Унга асосан фуқаролар хусусий мулки муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у ҳар бир фуқаронинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқларини ўз хоҳишига кўра амалга оширишда тўлиқ эркинликларга эга бўлиш ва бу ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни қатъий ҳимоя қилиш билан боғлиқдир. Бу фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини ва мулкдорнинг асосий ҳуқуқларининг характерини беради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини мулк эгасининг мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини ташкил этади.

Конунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фукаро хусусий мулкдан хоҳлаган тартибда, фақат атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа фукаралар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда конун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт билан, фойда олишни кўзлаб, мулккий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойдаланиши кўрсатилган.

Шуни айтиш керакки, мулкдор нафақат мулккий манфаатдорликни ўйлаши керак, балки манфаатдорликнинг иккинчи томони бўлган мол-мулкни сақлаш вазифасига ҳам эътибор бермоғи зарур.

Фукаралар хусусий мулк ҳуқуқининг асосий хусусиятларидан бири мол-мулкдан фойдаланишда даромад (фойда) олишдир. Мулкдан фойдаланиш тартиби тўлиқ мулкдорнинг эрк-иродасига боғлиқдир.

Ҳар бир фукаролик ҳуқуқи субъекти фукаролик ҳуқуқи объектларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлишига потенциал имкониятлар мавжуд. Хусусий мулк объектларига нисбатан ҳам худди шундай деб айтиш мумкин. Кенг маънода олганда, фукаролик ҳуқуқининг барча субъектларига муайян фукаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмунига қараб хусусий мулк объектларига нисбатан ҳатто мулкдор бўлмаган тақдирда ҳам турли ваколатларга (масалан, ижара ҳуқуқи, текин фойдаланиш, сервитут ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Бироқ фукаролик ҳуқуқининг барча субъектлари хусусий мулк объектларига нисбатан мулкдор сифатида намоён бўла олмайди. Масалан, оммавий-ҳуқуқий тузилмалар, шу жумладан давлат ҳеч қачон хусусий мулк объектга нисбатан мулкдор бўла олмайди. Аниқроғи, агар давлат муайян мол-мулкка нисбатан мулкдор бўлса, у ҳолда ушбу мол-мулк хусусий эмас, оммавий мол-мулк бўлиб ҳисобланади.

Хусусий мулк ҳуқуқи бўйича мулкдор ваколатлари конунларда аниқ белгилаб кўйилган. Ушбу ваколатлар қуйидаги асослардан вужудга келади:

а) мулкдорнинг умумий ваколатларини белгиловчи нормалардан;

б) хусусий мулкдор ваколатларини белгиловчи нормалардан;

в) хусусий мулк ҳуқуқининг айрим объектларига нисбатан ваколатларни белгиловчи нормалардан;

Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, айрим хусусий мулк ҳуқуқи субъектларини ўз ваколатларини амалга ошириш хусусиятларини белгиловчи асослар ва тартиб ҳам мавжуд (масалан, акциядорлик жамиятида ваколатларни бошқарувчи АЖ органлари).

Мулкдор ваколатлари ва хусусий мулкдор ваколатлари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд эмас. Мулкдор ваколатлари Конституциямизнинг 54-моддасида, ФК нинг 164-моддасида, хусусий мулкдор ваколатлари эса ФК нинг 207-моддасида белгилаб қўйилган. Агар уларни қиёсий таҳлил этсак, у ҳолда Конституциянинг 54-моддаси ва ФК нинг 207-моддасига нисбатан ФК нинг 164-моддаси ниҳоятда кенг мазмунли эканлигини кўриш мумкин.

Қонунда мулкдор ваколатларини амалга оширишда мулкдор эрки-иродаси ва мотивация (сабабларига) алоҳида урғу берилади. Бу бежиз эмас. Мулкдор ўз мулккий ваколатларини амалга оширганда энг аввало ўз хоҳиши билан ҳаракат қилади. Хоҳиш вужудга келиши учун эса унинг асосида мотивация (сабаб) ётади. Мулкдор мотивациясиз ҳеч қандай ҳаракат қилмайди. Қонун мулкдорни ваколатларни амалга ошириш мотивацияси сифатида ўз манфаатларини кўзлашини кўрсатади. Манфаат-ҳуқуқ эгаси эришиши лозим бўлган самара, натижа. Айнан манфаат мулкдорни ундовчи омил ҳисобланади. Манфаат ғоят кенг ва хилма-хил кўришишларда намоён бўлади. Манфаат фақат мулкдор шахсий эҳтиёжлари, унинг яқинлари эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши ҳам, бироқ, амалда бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, мулкдор ўз пул маблағларини Ҳайрия мақсадларида сарфлаши бир қарашда мулкдор манфаатларига эмас, балки ҳада, хайр эҳсон олувчи манфаатларига қаратилгандай бўлиб туюлади. Бироқ мулкдор бунда моддий манфаатларни эмас, балки маънавий манфаатни ҳам кўзлаган бўлишини назардан кочирмаслик лозим.

Хусусий мулкдорнинг “ўз манфаати” мазмунини очиб беришда субъектнинг кимлиги, агар юридик шахс бўлса, унинг ҳуқуқий ҳолати ҳам ҳисобга олиниши лозим. Хусусий мулкдор фуқаро бўлганида ёхуд хусусий корхона бўлганида манфаатларни белгилаш ягона жисмоний шахсга бориб тақалади ва унинг манфаатларидан келиб чиқилади. Бошқача айтганда, бунда субъект манфаати монолит, бир-бутун тарзда намоён бўлади ва манфаатлар тўқнашуви кузатилмайди.

Бироқ хусусий мулкдорлар умумий биргаликдаги мол-мулкка нисбатан ваколатларини амалга оширишда манфаатлар бирлиги кузатилмаслиги мумкин. Ёхуд худди шундай ҳолат кўп сонли муасиссларга, иштирокчиларга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларида ҳам тез-тез содир бўлиб туради. Бунда АЖнинг ёхуд МЧЖнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши йиғилишида иштирокчиларнинг бир неча гуруҳлари ҳар бир субъектнинг “ўз манфаатини” турлича талқин қилади. Албатта, бундай корхоналарда юридик шахс номидан

қарор қабул қилишнинг ўзига хос тартиби, процедуралари мавжуд. Бирок ушбу тартиб бўйича қабул қилинган қарорлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектни мулкдор сифатида ўз ваколатларини амалга оширишга асос бўлган мотивация негизида ҳар доим ҳам ушбу юридик шахснинг “ўз манфаатлари” ётавермайди. Баъзан охир-оқибатда юридик шахснинг “ўз манфаатини” умумий йиғилишда ўз фикрини ўткази олмаган иштирокчилар гуруҳи ифодалагани маълум бўлади. Бу эса келгусида иштирокчилар (акциядорлар) ўртасида ихтилофларга, бўлинишларга, суд орқали узок муддатли низолашувларга сабаб бўлади.

Ҳозирча юридик шахсларни мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга оширганида “ўз манфаатларидан” келиб чиқиши, бу манфаатларни қай даражада англаб етиши, уларни юридик изҳор қилиш шакллари мулк ҳуқуқи назариясида етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган. Тўғри, шунга ўхшаш муаммолар фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи бўлган корпоратив ҳуқуқда маълум даражада изланишлар предмети сифатида қаралмоқда. Бирок, бунда муаммо мулк ҳуқуқини амалга ошириш масаласи орқали эмас, балки корпоратив бошқарувни оптимал моделларини топиш муаммолари нуқтаи назардан қўйилган. Шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқи назариясида ушбу янги муаммога алоҳида эътибор бериш масаласини қўйиш ўринли бўлур эди. Ҳозирги вақтда суд амалиётида мулк ҳуқуқи тушунчаси таркибига кирувчи ушбу хусусият беъэътибор қолдирилмоқда. Амалиётда мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиши мумкин деган аксиомадан келиб чиқилмоқда деб айтиш мумкин. Бирок келгусида мулкдор ўз ваколатларини амалга оширишда “ўз манфаатларидан келиб чиқиши” тўғрисидаги новелла ҳуқуқий тартибга солишда муайян оқибат вужудга келтириш эҳтимоли йўқ эмас. Айниқса хусусий мулк ҳуқуқида бу масала долзарб аҳамият касб этишини башорат қилиш мумкин.

ФКнинг 164-моддасида мулкдор ўз ваколатларини ўз ҳошишига қўра амалга ошириши кўрсатилади. Мулкдор ваколатларини амалга оширишда мотивация (сабаблантириш) мулк ҳуқуқи субъектида ҳошиш, истакни келтириб чиқаради. Демак, мулкдорни ўз манфаатини англаб етиши унда ҳошишни вужудга келтиради ва у томонидан муайян мақсадли ҳаракатлар содир этиш, ваколатларни амалга ошириш бошланади. Ҳар қандай субъект, хатто импульсив ҳаракатлар содир этадиган фуқарода ҳам, агар бу ҳаракатлар мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса жараёнлар юқоридаги

кетма-кетликда (манфаатни англаш – хоҳишни вужудга келтириш – ҳаракатлар содир этиш) содир бўлади.

ФКнинг 123-моддасида субъектнинг ўз хоҳишига, эрки-ирода-сига зид равишда тузилганлиги сабабли ҳақиқий саналмайдиган битимларнинг турлари кўрсатилган. Бунга қуйидагилар киради:

зўрлик таъсирида тузилган битим;

кўрқитиш таъсирида тузилган битим;

оғир ҳолатлар юз бериш таъсирида тузилган;

бир тараф вакилини иккинчи тараф билан ёлғон ниятда келиши.

Шуни айтиш керакки, мулкдор ваколатларини тизимида мол-мулкни эгаллаш ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди. Эгаллаш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, мулкдорга бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириш имконини беради. Мол-мулкни эгалламасдан туриб, мулкдор ундан на фойдалана олади ва на тасарруф эта олади.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, эгалик қилиш ҳуқуқини фақат моддий ашёларга нисбатан қўллаш мумкин. Хусусий мулк объектлари сифатида фуқаролик муомаласида бўладиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи эмас. мутлақ ҳуқуқлар амал қилади.

Мол-мулкнинг эгаси хусусий мулкдор бўлганлиги сабабли у ўз эгалик ҳуқуқини қатъи кўриклаш ва муҳофаза тизимидан фойдаланади. Бунда учинчи шахсларни хусусий мулк объекти доирасида бўлиш имкониятлари чекланади (иморатлар, ҳовлилар баланд деворлар билан ўраб олинади, кириш-чиқишга хусусий қўриқчилар назорати асосида мулкдор рухсати билангина йўл қўйилади, бинолар ташқариси ва ичкараси махсус видеоқурилмалар орқали кузатиб турилади, хусусий мулк объектига кириш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириш ёзувлари қўйилади ва ҳ.к.). Албатта хусусий мулк эгасини бундай чораларни кўриши уни мулкдор сифатидаги ваколатлари доирасига киради. Бироқ, бунда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етмаслиги лозим.

Амалда мулкдорни мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига дахл қилувчи бир ҳолат бор: агар мулкдор мол-мулкни узоқ муддат қаровсиз қолдирса, у ҳолда мулк ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келиши мумкин (кўчар мулкка – 5 йил, кўчмас мулкка – 15 йил). Қаровсиз қолдириш мулкдорни мулкдор сифатидаги ваколатларидан ушбу объектга нисбатан ҳеч қандай фойдаланмаслик, мулкдорлик туйғуларини бирон-бир тарзда намоён этмаслик, мулкдорлик вазифаларини бажар-

маслик ҳисобланади. Худди шу сабабли мулкдор мол-мулкни сақлаш, унга фактик эгалик ҳолатида объектга нисбатан муайян фаол ҳаракатларни содир этиши, бошқа учинчи шахсларга ҳам ўзининг ушбу объектга нисбатан мулкдор эканлигини бирон-бир тарзда намоён этиб туриши лозим.

Мулкдорнинг навбатдаги ваколоти ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланиш ҳисобланади. Мол-мулкдан фойдаланиш-мулк ҳуқуқининг пировард мақсадидир. Мол-мулк ҳам, мулк ҳуқуқи ҳам ўз-ўзича аҳамиятга эга эмас, агар мулкдорга, инсониятга унинг фойдали хусусиятлари, муайян манфаатини қаноатлантириш хоссаси бўлмаса.

Айни вақтда мол-мулкдан ўзи хоҳлаган тарзда фойдаланиш ваколоти умумий коида бўлиб уни мутлақлаштириш ярамайди. Айрим мол-мулк объектларига нисбатан фойдаланишнинг алоҳида коидалари мавжуд. Ушбу коидалар, энг аввало, кишилар ҳаёти, соғлиғи, экологик хавфсизлик, ижтимоий манфаатлардан келиб чиқиб белгиланган (масалан, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, баъзи мол-мулклардан фақат тайинланиш мақсадлари ва вазифаларига кўра фойдаланиш, товардан фойдаланиш қўлланмаларига риоя қилиш ва ҳ.к.).

Мол-мулкдан ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ асосларига номувофик равишда ғайритабиий эҳтиёжлар ва майл-ҳохишларни қаноатлантириш муайян ҳолатларда жиноят ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Айрим мол-мулклардан фойдаланиш жараёни устидан давлат назорати белгилаб қўйилган (ёнғин хавфсизлиги назорати, санитария хавфсизлиги назорати ва ҳ.к.).

Мол-мулкдан фойдаланишда ҳуқуқий нормалар билан бирга – ахлоқ-одоб нормалари ҳам қўлланилади. Масалан, мулкдор мол-мулкдан тежаб-тергаб, исрофгарчиликка йўл қўймасдан фойдаланиши лозим.

Мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан учинчи ваколоти бўлиб мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорнинг ўз ҳохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширилади.

Мулкдор томонидан мол-мулкни тасарруф этиш бўйича юридик ҳатти-ҳаракатларни оқибатлари бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин:

а) мулкдор томонидан мулк ҳуқуқини ўзидан бегоналаштириш бўйича ҳаракатлар (сотиш, ҳадыя, рента, ҳайр-эҳсон ва бошқа шу каби шартномалар ва битимлар тузиш орқали);

б) мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда мол-мулкни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш (масалан, ижарага бериш);

в) мол-мулкни қайта ишлаш, уни бошқа турдаги мол-мулкка ўзгартириш (масалан, боғ ёки томорқа ўрнига турар-жой бинолари қуриш ёхуд аксинча);

г) мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш.

Фуқароларни ўз хусусий мол-мулкларини тасарруф этиш тартиби нисбатан содда бўлиб у мулкдор томонида тез ва осон амалга оширилади ва бунда муайян юридик расмийликларга риоя этиш талаб этилмайди (кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва шу қабилар бундан мустасно).

Бироқ шунга қарамай хусусий мулкдорлар томонидан ўз мол-мулкларини тасарруф этиш тартибини янада соддалаштириш, бу болада муайян эркинлаштириш тадбирларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Масалан, юридик шахсларда мол-мулкни ҳисобдан чиқариш тартиби анча мураккаб. Агарда мол-мулкни амортизация муддати тугамаган бўлса, уни ҳисобдан чиқариш учун махсус далолатномалар, комиссиялар тузиш талаб этилади. Шу сабабли кўп корхоналарда гарчи мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлса ҳам балансдан ўчирилмайди. Бу эса корхоналарнинг моддий активлари тўғрисида нотўғри маълумотларни берилишига сабаб бўлади.

Мулкдорнинг навбатдаги вақелати у томонидан ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Маълумки, мулкдорнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишдан бутун жамият манфаатдор. Давлат мулккий муносабатларнинг барқарорлигини, мулкдор ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳуқуқ тартибот тизими ва ҳуқуқ тизими, унинг барча соҳалари асосий роль ўйнайди. Мулк ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай тажовузлар жиноят қонунчилиги билан (ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, ҳар хил бошқа талон-тарождлар), маъмурий қонунчилик билан ҳар томонлама катъий муҳофаза остига олинган.

Фуқаролик қонунларида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик-ҳуқуқий воситалари тизими белгилаб қўйилган. Айниқса, бунда мулк дахлсизлиги тамойили муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик ко-

дексининг 166-моддасига кўра мулк дахлсиздир ва қонун билан кўрикланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборат. Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мулкдор ўз ваколатларини амалга оширишда ўзига мулкдор сифатида юкланган мажбуриятларни бажариши лозим. Фуқаролик кодексининг 174-моддасида мулкдорнинг мол-мулкни сақлаш вазифаси белгилаб қўйилган. Унга кўра, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир. Мулкдорни мол-мулкни сақлаш вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади:

- мол-мулк солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни суғурталаш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш;

- мол-мулкни асраб-авайлаб сақлаш, тегишли ҳолларда уни зарарсизлантирилган ҳолда бузиб ташлаш (агар мол-мулк таркибига зарарли кимёвий моддалар кирса), утилизациялаш.

Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи уларнинг асосий мулккий ҳуқуқи бўлиб, у фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлангандир. Асосий қонунимиз 36-моддасида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлидир”, деб кўрсатилган. Бу билан Конституциямиз фуқароларни хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти бўлишлигини кўрсатади.

Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Қуйидагилар фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари ҳисобланади:

- уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзгор буюмлари;

- акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасидаги корхоналар, мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари;

- ихтиролар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари;

-истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай бошқа мол-мулк конунларга мувофиқ хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бундан мустасно.

Энг муҳими, хусусий мулкнинг миқдори ва киймати чекланмайди.

Энди ушбу объектлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун уларнинг ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим бўлади.

Уй-жойли бўлиш қадим замонларданок кишилар учун энг муҳим ҳаётий масалалардан бири бўлиб келган. Уй-жой билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўша қадим замонларданок ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Ҳозирги кунга келиб, уй-жойга оид бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши анча мукамал даражада ишлаб чиқилган. Ушбу соҳага тааллуқли қатор конун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, бу конун ҳужжатларида уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтиришнинг асослари санаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 22-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар куйидаги йўллар билан турар-жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга:

-якка тартибда уй-жой қуриш;

-якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш;

-уй-жой облигацияларини олиш;

-уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш;

-олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш шартномалари;

-умрбод таъминлаш шарти билан уй (квартира) ни бошқа шахсга бериш;

-мерос олиш;

-конунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Қимматли қоғозлар мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлардир. Улар тақдим этилган тақдирда мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади. Қимматли қоғозларга облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция кабилар киради. Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятларида акс эттириладиган реквизитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, депозит сертификатлари ва векселларда акс

эттириладиган реквизитларни эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди. Қимматли қоғозлар эгаси номи ёзилган ва тақдим этувчига тегишли деб кўрсатилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) Қимматли қоғозлар муомалага чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлайди. Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қоғозларнигина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилиши ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш ғайриқонуний ҳисобланади.

Акциялар ҳам бошқа қимматли қоғозлар сингари фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларининг реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахсгана эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлмиш акциядор деб эътироф этилади. Эгаси ёзилмаган акцияни сакловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акцияларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади. Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятнинг бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Облигациялар фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир. Қуйидаги турлардаги облигациялар чиқарилади: республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари; корхоналарнинг облигациялари. Облигациялар оддий ва ютуқли, физли ва фозисиз (максадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Максадли облигацияларнинг реквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади.

Интеллектуал фаолият ижодий фаолият ҳисобланади. Бу кўп ҳолларда ақлий меҳнат кишилари – ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, инженер-техник ходим ва бошқалар фаолиятининг маҳсулларидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари интеллектуал фаолиятнинг қуйидаги натижаларини фарқлайди:

- ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари;

муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари – фан, адабиёт, санъат асарлари, аудиовизуал асарлар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумот базалари.

Умумий қоида бўйича юридик шахснинг индивидуаллаштириш воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳам интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилади. Индивидуаллаштириш воситалари (фирма номи, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари) турли субъектларни бошқаларидан фарқлаш, уларни бир-бирлари билан чалқаштириб юбормасликка хизмат қилади.

Интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади. Яъни, учинчи шахсга бу объектлардан фойдаланишга рухсат бериш ва тақиқлаб қўйишга ўзигина ҳақли (юридик шахснинг фирма номи бундан мустасно бўлиб, учинчи шахсларга фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас).

Интеллектуал фаолият натижалари фуқаролик қонунчилиги билан кўриқланиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши шарт:

1) ушбу натижа оригинал (ўзига хос) бўлиши;

2) такрорланмаган бўлиши;

3) бирон-бир объектив шаклда ифода этилиши.

Хўш, мулк объектларига нисбатан фуқароларда хусусий мулк ҳуқуқи қандай асосларда вужудга келади?

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан энг кўп тарқалганидан бири бу фуқаролик-ҳуқуқий битимлардир. Битимлар ҳар хил турларга бўлиниши мумкин. Масалан, мол-мулкни олиш-сотиш, ҳадя, айир-бошлаш, мулк ижараси ва бошқа қонун билан тақиқламаган битимлар асосида вужудга келиши мумкин.

Мулк ҳуқуқини вужудга келишида ҳар доим муайян юридик факт мавжуд бўлади ва бунинг натижасида мол-мулкни ўзлаштирувчи шахс унинг мулкдори бўлади.

Мулк ҳуқуқининг олиниси асосларида жамиятнинг иктисодий тизими ўз ифодасини топади. Мулк ҳуқуқининг олиниси: **дастлабки ва ҳосила асосларига** бўлинади.

Мазкур тарзда мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларининг дастлабки ва ҳосилага ажратишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, улар орқали мол-мулкни қўлга киритган шахс, яъни мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми ва доираси белгиланади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг дастлабки асосда вужудга келиши:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниси;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хўжаликсиз билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, ҳазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига хосдир. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўла маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади.

Мухими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорида белгиланишича, ушбу 187-модданинг қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига (яъни, янги Фуқаролик кодекси амалга киритилгунга қадар) бошланган ва Кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган

холларга ҳам татбиқ этилади. Демак, ушбу ҳолат бўйича кодекс нормаси орқага қайтиш кучига эга бўлади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири-ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлаптиришдир. Кодекснинг 189-моддасида кўрсатилишча, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбурглар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантатириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк ҳуқуқи ўрмонлардан қўзқорин, мевалар териш, дашт-у тоғлардан доривор гиёҳлар тўплаш, дарё ва кўллардан балиқ овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бирок, ушбу мулк объектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк ҳуқуқи асосида бошқага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк объектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вақтда балиқ ва бошқа жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара қилиниб, ов қуроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Кодекснинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Хазина деб эгасини аниқлаш мумкин бўлмаган ёки у қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган, ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг мулкдорининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бирок хазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли.

Хазина топиш учун қазишма ва кидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар) га нисбатан юқоридаги қондалар қўлланиламайди.

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олинishi дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган усул назарда тутилади. Бу усулда мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келганда бу мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ўзларига тегишли ашёга нисбатан эгалик ҳуқуқи бир шахсда, яъни сотиб олувчида пайдо бўлади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг ҳосила усулида вужудга келишига мисол қилиб олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қарз шартномалари, шунингдек қонун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали олинishини кўрсатса бўлади.

Қонунга кўра, шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бировга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эгалик ҳуқуқи бундай шартнома нотариал гувоҳлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтидан эътиборан вужудга келади.

Қонунда уй-жой (квартира) га мулк ҳуқуқининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида кўрилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди¹ Унга кўра, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлар мулккий ҳуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ

¹ //Халқ сўзи, 2006 йил 26 июль.

ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунда энг муҳими, ер участкаларини хусусийлаштириш бозор кийматидан келиб чиқиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари резидентларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи бериладган бўлди. Ушбу Фармоннинг фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи-назаридан аҳамиятли яна бир жиҳати шундаки, унда хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш – сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмайдиган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқароларнинг хусусий мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг ўтиш пайти қонунда муқаррар белгиланиши бировга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида келган зарар қимнинг зиммасида бўлишлигини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бозор муносабатлари шароитида фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар асосида ҳам вужудга келиши мумкин.

Ҳозирги кунда хусусий тадбиркорликнинг турлари кўпайиб бориши билан уларнинг мол-мулкларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш тартиби, улар билан боғлиқ муносабатларда мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш зарурияти мавжуд.

Фуқаролар ўз мол-мулкларидан фойдаланишда ҳар хил иқтисодий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этади. Улар меҳнатлари билан, тадбиркорлик фаолияти юритиш билан, давлат томонидан бериладиган ижтимоий нафақалар ва бошқа асосларда олинадиган нақд пул шаклидаги даромадларидан ўз эҳтиёжларини қондиришда ҳар хил битимлар тузадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, қонун барча мулкдорларга, яъни Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ва

жисмоний шахсларига уларнинг мулкрий ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун тенг шароитлар яратиб беради.

Ҳусусий мулк ҳуқуқини бекор қилувчи нормалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ҳуқуқий ислохотлар меваси сифатида бир мунча ўзгаришларга учради. Ҳусусан, жиноят қонунчилигини либерализациялаш натижасида мусодара қонунчилиқдан чиқариб ташланди. Бу ҳол мулкдорнинг ҳусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлиги йўлида қилинган яна бир қадамдир.

Ушбу ҳолатлар Республикаимизнинг мустақилликка эришуви ва халқаро ҳамжамиятга тобора интеграциялашуви натижасида юзага келмокда, дейиш мумкин.

III БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ХУҚУҚИ

Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари орасида турар-жойга бўлган эҳтиёж энг биринчи ва асосий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Зеро, турар-жойга нисбатан эҳтиёжи қондирилмасдан туриб инсон хотиржам ҳаёт кечириш ва ўзини эркин ҳис қилиш имкониятига эга бўлмайди. Фуқароларнинг турар-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янгича қўриниш ва мазмун касб этганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, бозор муносабатлари шароитига келиб кишилардаги боқимандалик туйғуси барҳам топа бошлаши билан биргаликда, давлатга тегишли бўлган турар-жой биноларнинг катта қисми хусусийлаштирилди.

Фуқароларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқига оид нормаларнинг асоси инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 12-моддасида уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, 13-моддасида эркин юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ўтган 17 йил ичида бошқа ҳуқуқ соҳалари каби уй-жой ҳуқуқи соҳаси ҳам бозор қонуниятлари, давлатнинг шу соҳадаги сиёсати, ҳамда аҳолини ижтимоий химоялаш анъаналаридан келиб чиқиб ривожланиб борди.

Мустақиллик қўлга киритилган даврларда амалда бўлган уй-жой қонунчилиги совет даврида мавжуд бўлган давлат мулкининг геги-монлигидан келиб чиқиб уй-жой муносабатларини тартибга солишга қаратилган эди. Хусусий мулкчиликнинг қатъиян тақиқланганлиги мамлакатда мавжуд уй-жойларнинг асосий қисми давлат мулки эканлиги ўша даврларда амалда бўлган Уй-жой кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан таъминланган эди.

Уй-жой соҳасидаги ислохотларни таъминлашда ва уй-жой ҳуқуқи фанинг ривожланишида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Уй-жой кодекси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Уй-жой кодекси мамлакат мустақилликка эришганидан буён уй-жой соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларини бир тизимга солишда ва уларни муайян уйғунликка солишда ва ушбу соҳада вужудга келган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда энг

муҳим ва асосий манба сифатида қабул қилинди. Кодекс ҳуқуқ соҳалари ичида ўзига хос мураккабликка эга бўлган ва тартибга солиш предметига кўра комплекслик касб этадиган ва бир қатор ҳуқуқ соҳалари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган уй-жой ҳуқуқи ва уй-жой муносабатларининг асосий қоидалари ва тамойилларини, уй-жойга нисбатан мулкчилик масалаларини, уй-жой муносабатлари соҳасидаги давлат органларининг ваколатларини, эркин фуқаролик муомаласи шароитида уй-жойларнинг объект сифатида ҳаракатланишини, маъмурий тартибда уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш шартлари ва тартибини, уй-жой фондларининг ҳуқуқий мақомини, бозор муносабатларит шароитида уй-жой муносабатлари соҳасида энг кўп қўлланилаётган уй-жой ижараси шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни ва шу каби уй-жой соҳаси учун ўта муҳим бўлган кўплаб жиҳатларни тартибга солувчи нормаларни ўзида мужассамлаштирди.

Ҳар бир фуқаролик ҳуқуқи субъекти фуқаролик ҳуқуқи объектларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлишига потенциал имкониятлар мавжуд. Хусусий мулк объектларига нисбатан ҳам худди шундай деб айтиш мумкин. Кенг маънода олганда, фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектларига муайян фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмунига қараб хусусий мулк объектларига нисбатан ҳатто мулкдор бўлмаган тақдирда ҳам турли ваколатларга (масалан, ижара ҳуқуқи, текин фойдаланиш, сервитут ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқининг субъектлари деганда, ФКнинг 168-моддасига мувофиқ, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат назарда тутилади. Уй-жой ҳам фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объекти ва кўчмас мулк ҳисобланади. Уй-жойлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари у ёки бу субъектга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. ФКда алоҳида нормада уй-жой тушунчаси, унга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчаси, субъектлари ва объектлари назарда тутилмайди. Бироқ, мазкур қоидалар 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида ўз ифодасини топган. Уй-жой кодексининг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат турар жойга бўлган мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Уй-жой ҳуқуқининг субъектлари ҳам мулк ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби ҳуқуқ ва муомала лаёқатиغا, уй-жойга нисбатан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Фуқаролик қонунчилигида биз турар-жой ва уй-жойга эгалик деган терминларга келамиз. Турар-жой тушунчасида бутун бир ер-участкасида жойлашган доимий яшаш учун мўлжалланган иншоотларни тушуниш лозим. Уй-жойга эгалик қилиш деганда бир ёки бир нечта турар-жойга ва бошқа қурилиш иншоотлари ва ёрдамчи бинолар (сарой, гараж ва бошқаларга эга айнан бир участкада жойлашган мажмуани тушуниш лозим. Биз “турар-жой” тушунчаси ёрдамида уй-жой билан боғлиқ бўлган муносабатларни тушунамиз ва у ўз ичига уй-жойга эгалик тушунчасини ҳам киритади. Лекин уларни ажратиш учун амалиётда икки тушунча ажратилади. Уй деганда, биз уни ер-участкасида жойлашган шахсга тегишли бўлиб қурилган битта объектни ва унга ёрдамчи объектлар мажмуасини тушунишимиз керак.

Уй-жой деганда, бир неча уйлардан ташкил топган айнан бир ер-участкасида қурилган уй-жойлар ва уларга ёрдамчи объектларни тушунишимиз керак. У махсус тақсимланган ва белгиланган кўчада жойлашган бўлади. Айрим олимлар тўғри нуқтаи-назардан фикр билдиришади ва улар буни қонунчиликда акс этишини хоҳлашади. Баъзи янглишишдан фуқароларни асраб уларга кўмаклашади.

ФКга биноан фуқаролар турар-жойга қонунчиликда белгиланган асосларда эга бўлишлари мумкин. Эр-хотинлар ва улар билан бирга яшовчи болалар битта уйга эга бўлишлари ва бу уй улардан бирига ёхуд оммага тегишли бўлиши мумкин. Бир турар-жойга эга бўлган шахсларнинг ҳар бирини қонун яна турар-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бояга еган фарзандлар алоҳида уй-жой олишлари мумкин.

ФК ва Уй-жой кодексида уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчаси берилмаган. Бироқ, уй-жойлар ФКнинг 83-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кўчмас мулк жумласига киритилганлигини ҳисобга олиб уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчасига ФКнинг 164-моддаси асосида таъриф бериш мумкин:

Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларида мувофиқ ўзига қарашли уй-жойга ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, қим томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Турар жой хусусий ёки давлат мулки бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фукаролар, юридик шахслар ва давлат турар жойга бўлган мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муқддатсиз бўлиб, фукаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлариши ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахсини ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Турар жойларнинг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимият органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Уйлар, квартиралар, уйнинг бир қисми, квартиранинг бир қисмига (бундан буён матнда уйлар, квартиралар деб юритилади) бўлган хусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатдан чекланмайди.

Уй-жой кодексининг 14-моддасига мувофиқ, белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида янги қурилаётган уйга мулк ҳуқуқи уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб вужудга келади.

Уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда у нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Уйнинг, квартиранинг олди-сотди шартномаси шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Сотиб олувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган шу уй, квартирани олди-сотди шартномасининг муҳим шarti бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг қондаларига риоя қилинган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Турар жойни алмаштиришга Уй-жой кодексида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда йўл қўйилади.

Уйни, квартирани ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилёши шарт.

Давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уйга, квартирага бўлган мулк ҳукуки уй-жой куриш ва уй-жой кооперативлари аъзолари пай бадалларини тўлиқ тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

Уй-жой облигацияларини олиш ва уларнинг қолган қийматини банк кредитлари ҳисобига тўлаш йўли билан курилган ва олинган уйга, квартирага бўлган мулк ҳукуки кредит тўлиқ қайтарилгандан кейин вужудга келади.

Хусусий мулкдаги уйга, квартирага бўлган мулк ҳукуки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказилиши мумкин.

Уйга, квартирага бўлган мерос тариқасида ўтадиган мулк ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асосларга кўра вужудга келади.

Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқнинг вужудга келиш усуллари хусусида фикр юритганда, мазкур усуллар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 22-моддасида ифодаланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур моддага мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар қуйидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга:

- якка тартибда уй-жой куриш;
- якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой куриш;
- уй-жой облигацияларини олиш;
- уй-жой куриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш;
- олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш;
- умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга бериш;
- мерос олиш;
- қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Моддада турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари санаб ўтилган. Мазкур асослардан биринчиси бу якка тартибда уй-жой куриш ҳисобланади. Бунда фуқаролар ва юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкаси олиш асосида якка тартибда уй-жой куришади. Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаси ким ошди савдосида сотиб олиниши ҳам мумкин. Бунда шартнома ким ошди савдосида қолиб чиққан шахс билан тузилади.

Ашённинг мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот ким ошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Их-

тисослашган ташкилот ашёнинг мулкдори ёки мулккий ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қилади.

Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда кўрсатилган ҳолларда ашёни ёки мулккий ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин.

Ким ошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади. Ким ошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулкдори ёки сотиладиган мулккий ҳуқуқнинг эгаси томонидан белгиланади. Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Аукционлар ва танловлар очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очик аукционда ва очик танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар. Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкилотчи ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, ким ошди савдосининг вақти, жойи ва шакли, ким ошди савдосига нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан ким ошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак ким ошди савдоси тўғрисидаги хабарда бунга берилдиган муддат кўрсатилиши керак.

Агар қонунда ёки ким ошди савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтида, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса - танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли. Ким ошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузиб бош тортган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ аукцион ёки ёпиқ танлов ташкилотчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда ким ошди савдосидан бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт. Ким ошди савдосининг қатнашчилари ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда зақалат пули тўлайдилар. Агар ким ошди савдоси ўтказилмаса, зақалат қайтариб берилиши керак. Зақалат ким

ошди савдосида қатнашган, лекин унда ғолиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс ва ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказилган куни ким ошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган ким ошди савдосининг ташкилотчиси закатни икки ҳисса қилиб қайтариши, шунингдек ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахсга ким ошди савдосида қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи кўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар ким ошди савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи билан йигирма кунда ёки хабарда эълон қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

Турар жойга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши нафақат яқка тартибда турар жой куриш (фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзлари томонидан) балки, яқка тартибда курувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой куриш, уй-жой облигацияларини олиш, уй-жой куриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқи қўлга киритилади.

Фуқаролик кодексига назарда тутилган шартномалар ҳам турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Мазкур шартномалар жумласига Уй-жой кодекси олди-сотди, айирбошлаб ва ҳада шартномаларини киритади. Турар жойлар кўчмас мулкни сотиш

шартномаси қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади. ФКнинг 479-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни) ўз зиммасига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатдан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича соғиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим.

Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома

тузилмаган ҳисобланади. Бунда ФК 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қоидаси қўлланмайди.

Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топшириладиган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

Кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзолаганидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг кўчмас мулкни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бўйин товлаши, тегишли равишда сотувчининг мулкни топшириш мажбуриятини бажаришдан, сотиб олувчининг эса мулкни қабул қилиб олиш мажбуриятини бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

Сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни қабул қилиб олиши, шу жумладан бундай мос келмаслик хусусида кўчмас мулкни топшириш тўғрисидаги ҳужжатда айтиб ўтилган ҳолларда ҳам, сотувчини шартномани тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлолмайди.

Агар сотувчи сотиб олувчига кўчмас мулкни сотиш шартномасининг кўчмас мулк сифати тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни топширса, ушбу Кодекс 434-моддасининг қоидалари қўлланилади, сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни тегишли даражада сифатли бўлган бошқа товарга алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар бундан мустасно.

Сотувчи сотиб олганидан кейин конунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ эса ҳар бир тараф бошқа тарафга бир турар жойни бошқа турар жойга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади, башарти бу ушбу боб қоидаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган турар жойлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган турар жойлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган турар жой баҳосидан паст бўлган турар жойни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, турар жой ёки турар жойни тасарруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим.

Ҳада шартномаси асосида турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқ вужудга келиш асослари ФКнинг 31-бобида белгиланган. Ҳада шартномаси мувофиқ, бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га турар жойни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Ҳадеяни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Турар жойларни ҳада қилиш шартномаси ёзма тузилиши лозим.

Умрбод таъминлаш билан турар жойни бошқа шахсга бериш шартномаси бевосита турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтиришга қаратилган шартнома ҳисобланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофик, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овкатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси Фуқаролик кодекс 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофик, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳада қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий ахволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера

олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Фуқаролар ёки юридик шахслар конун ёки васиятнома асосида мерос олиш йўли билан турар жойга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин. Бунда вафот этган шахс ўз васиятномасида ўзига хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни кимга қолдириб кетаётганлигини ёзиб қолдириши ёки қонунда белгиланган ворислик навбати асосида фуқаролар турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин.

Хусусийлаштириш ҳам турар жойга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини вужудга келтириш асосларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги ва 1993 йил 7 майдаги “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида” ги Қонунларида турар жойларни хусусийлаштиришнинг муҳим қоидалари белгиланган.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш (бундан буён “хусусийлаштириш” деб юритилади) деганда фуқароларга уларнинг ихтиёрига қараб давлат уй-жой фондининг улар эгаллаб турган ёки янги

қурилган квартираларини, уйларини (уйларининг бир қисмини) сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ёки текинга мулк қилиб бериш тушунилади.

Давлат уй-жой фонди маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой фонди ҳамда давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўлиқ хўжалик тасарруфида ёки оператив бошқарувидаги уй-жой фондидир.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга доир қонунлар ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг асосий қоидалари:

Ўзбекистон Республикасининг барча хусусийлаштириш субъектлари давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришда тенг ҳуқуқларда иштирок этиши;

хусусийлаштиришнинг ихтиёрийлик асосида бўлиши;

хусусийлаштиришнинг уй-жой муаммосини ҳал этиш билан ўзаро алоқадорлиги;

ҳақ эвазига ва текинга бериш хусусиятининг уйғунлаштирилиши;

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан химоялаш;

ошқоралик, ижтимоий адолатга риоя этилиши;

хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши жараёни устидан давлат ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилишидан иборатдир.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг айрим тоифаларига квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) текинга бериш;

давлат квартираларини, уйларини (уйларнинг бир қисмини) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва юридик шахсларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга сотиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат квартираларини, уйларини (уйларнинг бир қисмини) ҳамда хусусийлаштирилган квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш субъектларига давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ҳуқуқи фақат бир марта берилади.

Хусусийлаштирилган уйлар жойлашган ер участкаларига ва уларнинг этагидаги ҳудудга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ер тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва шартларда амалга оширилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилиши натижасида, агар уларга бузилган уйлари эвазига пул товони тўланмаган бўлса, давлат уй-жой фонди уйларида олган турар жойлари, шунингдек, табиий офатлар оқибатида уйлари бузилиши муносабати билан олган квартиралари, бу квартиралар қачон ажратилганидан қатъи назар, уларга ёки уларнинг ворисларига текинга берилади.

Фуқароларга қарашли бўлган уй, иморат ва иншоот ушбу Қонун амалга киритилганидан кейин бузилгани тақдирда ана шу фуқароларга, улар оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйда доимий яшаб турган ва уй рўйхатидан (пропискадан) ўтган бошқа фуқароларга ўз хоҳишига қўра ҳамда томонларнинг келишувига биноан текинга квартира олиш ёхуд тегишли корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойда уй, иморат ва иншоот қурилиб, ўз мулклари қилиб берилиши ёки бузилган уй, иморат, нобуд бўлган экин ва дов-дарахтлар эвазига тавон пули олиш ҳуқуқи берилади.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ўз ходимлари ҳамда пенсионерлари учун уй-жой қурилиши ёки уйни хусусиялаштириш мақсадида олган қарзи ёки кредитини тўлик ёхуд қисман тўлаш ҳуқуқи берилади.

Фуқаролар томонидан белгиланган тартибда хусусийлаштирилган турар жойлар давлат уй-жой фондидан чиқарилиб, яқка тартибдаги уй-жой фонди таркибига киритилади.

Меҳнатга қобилиятсизлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзоларига, агар уларнинг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари энг кам иш ҳақидан оз бўлса, шунингдек биринчи марта никоҳдан ўтган турар жойга мухтож ёш оилаларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга биноан фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган ва таъминоти оз бошқа тоифаларига маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳузурида аниқ мақсадга қаратилган ижара шартномаси талаблани

ри асосида хусусийлаштириш ҳуқуқисиз фойдаланиладиган коммунал уй-жой фонди ташкил этилади.

Хусусийлаштириш объектлари:

- фуқаролар ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган кўп квартиралли уйлардаги квартиралар ва бир квартиралли уйлар (уйларнинг бир қисми);

кайта тиклаш, таъмирланиш ишлари тугалланган-ку, аммо одамлар кўчиб кирмаган ва бўшатишган уйларнинг квартиралари, бир квартиралли уйлар (уйларнинг бир қисми);

- янги қурилган уйлардаги квартиралар қиради.

Янги фойдаланишга топширалаётган давлат уй-жой фондининг турар жойлари фуқароларга келгусида хусусийлаштириш ҳуқуқи билан ҳақ тўлаб яшаш учун ёки ижарага берилиши мумкин.

Уй-музейлар, меъморчилик, тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланувчи квартира ва уйлар;

ёпиқ шаҳар ва объектлардаги уйларнинг квартиралари; умумий ётоқларнинг хоналари;

белгиланган тартибда яшаш учун яроқсиз деб топилган квартиралар;

хизмат квартиралари, хоналари (уйлари);

икки ва ундан зиёд ижарачи яшаб турган бўлса-ю, улардан айримлари хусусийлаштиришга рози бўлмаган квартиралар хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган (уй рўйхатидан ўтган) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа юридик шахслари, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ўз ходимлари ва пенсионерларини уй-жой билан таъминлаш учун уй-жой фонди эгасидан уй-жой сотиб олишлари мумкин.

Давлат уй-жой фонди таркибидаги уйларда ижара шартномаси асосида турар жойни эгаллаб турган фуқаролар биргаликда яшаб турган барча балоғат ёшидаги оила аъзолари ва турар жой майдонида ҳақи бўлган бошқа шахсларнинг розилиги билан шу турар жойни ушбу Қонунда кўзда тутилган шартларда ўз мулки қилиб, шу жумладан, биргаликда ёки улушбай асосида эгаллик қилиш учун сотиб олишга ҳақлидирлар.

Хусусийлаштирилган турар жой эгасининг оила аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлиб, уни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган квартиранинг, уйнинг (уй бир қисмининг) эгаси:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаган ҳолда ана шу турар жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш;

- коммунал хизматлар ҳақини тўлашда, кўчмас мулк учун солиқ тўлашда, суғурта бадалларини тўлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда имтиёزلардан фойдаланиш;

- эгаллаб турган майдоннинг сатҳидан қатъи назар, бошқа квартирани, уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш;

- квартирага, уйга (уйнинг бир қисмига) турар жой майдонининг сатҳидан қатъи назар, ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи бандида ўқтирилган оила аъзоларини, бошқа шахсларни уй рўйхатидан ўтказиш;

Ўз квартирасини, уйини исталган бошқа квартирага ёки уйга, шу жумладан кооператив квартира ёки уйга уй рўйхатидан ўтказиш ва турар жойи борасида ҳеч қандай чекловларсиз айирбошлаш;

- ширкатлар ташкил этиш ҳамда турар жой ва биргаликда тасаруф этиладиган жойлардан фойдаланиш бўйича бундай ишларни амалга оширувчи ташкилотни, шу жумладан давлат уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини, кооперативлар, хусусий ҳамда бошқа хўжалик субъектларини мустақил белгилаш, уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун шартномалар тузиш;

- уйлар ва уйлар олдидagi ҳудудларни ораста сақлаш борасида бажарилаётган ишлар сифатини баҳолашда бевосита ёхуд ширкатлар таркибида қатнашиш, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки белгиланган тартибда бажармаганлик учун қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан, шунингдек айрим шахсларга нисбатан жарима қоралари қўллаш юзасидан материаллар тақдим этиш;

хусусийлаштирилган уй-жойдан фуқароларни кўчирмасдан амалга оширилиши мумкин бўлмаган капитал таъмирлашни ўтказиш пайти учун мулк эгаларидан ёки турар жой фондини идора этишга ваколати бўлган органлардан турар жойни ижарага олиш ҳуқуқига эгадир.

Хусусийлаштирилган квартира эгаси:

- конун талабларига ҳамда турар жой хоналари ва уйлар олдидаги ҳудудларни ораста сақлаш коидаларига риоя этиши;

- белгиланган солиқларни ва коммунал хизматлар ҳақини ҳамда уйдан фойдаланишга кетадиган харажат пулларини ўз вақтида тўлаши:

ўзига қарашли турар жойни ораста сақлаш ҳамда таъмирлаш юзасидан корхоналар ва хусусий шахслар билан тузилган шартнома мажбуриятларига риоя этиши шарт.

Фуқаро давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) ўз мулки қилиб ҳақини тўлаб сотиб олиш (ёки бепул олиш) учун ўзи истикомат қилаётган давлат уй-жой фонди тасарруфида бўлган туман, шаҳар ҳокимига, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ариза беради. Ариза узоғи билан икки ой муддат ичида қараб чиқилади.

Харбий хизматчиларга берилган давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат хўжаликлари ва бошқа давлатга қарашли кишлоқ хўжалик корхоналарининг уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан уқтириб ўтилган уй-жой фонди эгалари томонидан биргаликда белгиланади.

Турар жойларни хусусийлаштириш давлат уй-жой фондининг эгаси ёки у ваколат берган давлат бошқаруви органи томонидан амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағи ҳисобига пайчилик шarti билан янги қурилган квартиралар ва уйларни хусусийлаштириш тартиби корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўзлари томонидан, давлат маблағлари ҳисобига қурилган квартиралар ва уйларни хусусийлаштириш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг алоҳида уй, квартира ва хонага бўлган эгалик ҳуқуқи турар жой қиймати тўлиқ тўланган (сотиб олинган) ва ордер олинган пайтдан бошланади.

Турар жойнинг ҳақини тўлаб ва текинга хусусийлаштирилаётган фуқароларга уй-жой эгасининг қарори асосида эгаллик ҳуқуқини берувчи ягона шаклда белгиланган давлат ордери берилади. Ордер хусусийлаштирилган уй-жой учун қонуний ҳуқуқни белгилловчи ҳужжат ҳисобланиб, техника инвентаризацияси органларида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Хусусийлаштирилаётган турар жойни баҳолаш белгиланган тартибда давлат ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан қолдиқ баланс киймати бўйича амалга оширилади.

Турар жойларни хусусийлаштириш фуқароларнинг шахсий жамғармалари, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари, шунингдек имтиёзли шартларда бериладиган кредитлар, ссудалар эвазига ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан Ўзбекистон Республикаси қонуниларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштиришдан тушган маблағлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг махсус ташкил этилган бюджетдан ташқари хусусийлаштириш уй-жой счётига ўтказилади ҳамда турар жой хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади.

Хусусийлаштирилган турар жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда уни таъмирлашнинг ягона қоида ва меъёрларига албатта риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган квартираларга, уйларга (уйларнинг бир қисмига) хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш борасида имтиёزلарга эга бўлган шахслар тоифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш шартнома асосида амалга оширилади. Тўлиқ хусусийлаштирилган уйдаги турар жой эгалари уйдан фойдаланиш ширкати тузишлари мумкин. Бу ширкат уйга хизмат кўрсатувчи ва уни таъмирловчи ташкилотни мустақил танлайди.

Қисман хусусийлаштирилган уйлардаги фуқароларнинг мулкига айланган турар жой хоналарига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш шу уйларга хусусийлаштиришга қадар хизмат кўрсатган уй-жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган турар жойларнинг эгалари унинг инженерлик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ҳамда унинг теварак-атрофига қараш билан боғлиқ харажатлар ҳақини ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда тўлайдилар.

Хусусийлаштирилган квартиралар эгаларининг тузилган шартномалар бўйича уйга қараш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш билан боғлиқ қарзлари белгиланган тартибда ундириб олинади.

Давлат уй-жой фонди квартираларини, уйларини (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштиришда юзага келадиган низолар суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қандай бораётганлигини назорат қилиш мазкур уй-жой фондининг эгаси ёки у ваколат берган давлат бошқарув органи томонидан амалга оширилади.

Қонун фуқаролар ва юридик шахслар юқорида санаб ўтилганидан бошқа асосларда турар жойга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкинлиги бегилаш орқали бу рўйхатни чеклаб қўймайди. Зеро, фуқаролар ва юридик шахслар қонунга зид бўлмаган ҳар қандай асосларда турар жойга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин.

4-БОБ. ИЖОД ЭРКИНЛИГИ – ИНСОН ҲУҚУҚИ СИФАТИДА

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси инсоннинг энг асосий, табиий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Унда инсоннинг яшаш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи билан бирга ижод эркинлиги ҳам белгиланган.

Декларациянинг 27-моддасида ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги ўз ифодасини топган бўлиб, бу ҳуқуқ инсоннинг табиий, ақл-идрок билан мавжуд бўлган индивид сифатидаги фикрлаш ва ақлий фаолияти билан боғлиқдир. Айнан инсон табиатдаги мавжудотлар орасида ақл-идрокка ва фикрлаш қобилиятига эга бўлган ягона мавжудот бўлиб, у ўзининг фикрлари, ақл-идрокини сўзлаш ва ўзга усулда ифода этиш орқали бошқа шахсларга етказди. Шу сабабли инсоннинг жамият тараққиётида иштирок этиши ҳар доим муҳим аҳамият касб этиб келган. Бошқача айтганда, айнан инсоннинг ижодий фаолияти, ақли тафаккури жамиятнинг бугунги тараққий этган даражасини таъминлади. Дарҳақиқат, инсоннинг ақли ва ижодкорлиги инсониятнинг бугунги ҳаёт даражасини юксалтиришига асосий омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли бугун дунё ҳам-жамияти ҳар бир инсоннинг илмий тараққиётда иштирок этиш ҳуқуқи мавжудлигини белгилайди ва уларни ёши, ақлий қобилияти, муомала лаёқати ёки бошқалардан келиб чиқиб фарқламайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида белгиланган ижод эркинлигининг кафолатлари ва у билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан бирга қатор қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, 2001 йил 12 майдаги “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 2002 йил 29 августдаги “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари

тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ости ҳужжатларини кири-тиш мумкин.

Шу билан бирга, ижод экринлиги ва у билан боғлиқ муносабат-лар Саноат мулкани муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж Конвенция-си, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билль, Адабий ва бадий асарлар тўғрисидаги Берн Конвенцияси, Интеллектуал мулк ҳуқуқла-рини савдо қилиш бўйича Битим (ТРИПС), Ўсимликларнинг янги на-вларини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциялар билан ҳам тартибга соли-нади.

Ижод эркинлиги инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қис-ми сифатида ҳар доим давлат ва жамият қонунлари билан кафолат-ланади ва тараққиётнинг муҳим омили сифатида ўз эгасига моддий ва маънавий манфаатларни вужудга келтиради. Бошқача айтганда ижод эркинлиги ва унинг натижалари бир вақтнинг ўзида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга, инсон учун қулай шароит вужудга келтиришга хизмат қилиши билан бирга, ўзининг яратувчисига иқти-содий фойда келтиради ҳамда жамиятнинг ҳурмат ва эҳтиромга сазо-вор қилади.

Фан ва техниканинг ҳозирги ривожланиш даражасини бундан ярим аср олдин тасаввур қилиш жуда қийин эди. Бирок бугунга ке-либ, инсоният тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида дунё-нинг кейинги тараққиёти интеллектуал фаолият ва унинг натижалари самарадорлигига боғлиқ эканлигини барча бирдек эътироф этмоқда.

Инсоният цивилизациянинг ҳамма босқичларида ижодкорлик ва инсон ҳаёти учун янгилик ва қулайлик туғдирадиган воситаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Қадим замонлардаёқ, қабила-лар ва давлатлар ўзларининг топкирликлари, мавжуд муаммоларни ечишда янги усул ва воситаларни кашф этишлари, қулай ва фойда-ли иш қуролларининг янгиларини яратишлари билан ўзларига рақо-батда бўлган бошқа давлатлардан илгарилаб кетишга ва бу ҳолат ижодкор шахслар меҳнати ҳар доим давлатнинг алоҳида эътиборида бўлишини таъминлаган.

XX асрга келиб эса, саноат ва техника соҳасида оламшумул кашфиётлар, қўл меҳнати ўрнига ишлаб чиқаришда машиналар, тех-ник ускуна ва воситаларнинг кенг жорий этилиши ҳар бир давлат учун иқтисодий юксалишнинг энг асосий омилига айланди. Эндилик-да давлатлар ўртасида ҳудудлар учун кураш эмас, балки янги, замо-навий технологияларни яратиш, шу орқали иқтисодий самарадорлик-

ка эришиш, саноат технологиялари бўйича доимо ривожланишда бўлиш ва рақобатбардошликка эришиш учун кураи бўлиши табиий ҳол сифатида тан олинган. Таъкидлаш лозимки, фан ва техникани жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришда энг замонавий ва самарали технологияларни жорий этиш ва жаҳон иқтисодиётида рақобатчилардан ўзиб кетиш ҳозирги замон давлатлари учун бирламчи ва энг зарурий вазифа бўлиб турганлиги сир эмас. Зеро, XXI асрда жисмонан кучли инсонлар эмас, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ва доимий равишда самарали ва ўзига хос янгилик сифатида иқтисодий ривожланишга замин ярата оладиган ижодкор шахсларгина кўпроқ кадрланадилар.

Интеллектуал фаолият ва унинг натижаларини ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиши учун аҳамияти бениҳоя юқори эканлигини эътироф этган ҳолда, фаолиятнинг ушбу турини ва фуқаролик ҳуқуқининг мазкур объектини ҳуқуқий нуқтаи назардан муҳофаза қилиш, уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, мамлакат географик жойлашуви нуқтаи назаридан мазкур муносабатлар тизимида ўзига хос монополь ҳуқуққа эга бўлиш (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида) ни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш давлатнинг келажакдаги таракқиёти учун энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда интеллектуал фаолият ва унинг натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашга қаратилган ўзига хос қонунчилик базаси шакллантирилган. Интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг тамал тоши ва дебочаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасини келтириб ўтиш лозим. Мазкур моддага мувофиқ, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ушбу нормада мустаҳкамланган “ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги” қондаси шахснинг ижтимоий ҳаётнинг исталган соҳасида илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишини қафолатлайди. Бунда “ҳар ким” – деганда, ҳар бир жисмоний шахс назарда тутилади ва жисмоний шахс – фуқаронинг ақли расолиги, ўз ҳаракатининг оқибатини тушуна олиш ёки олмаслиги, ёши, муомала лаёқатига эгаллиги аҳамиятга эга бўлмайди. Шу билан бирга, шахс ҳар қандай шароитда ҳам ижод қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Масалан, озод-

лиқдан маҳрум этиш жазосини ўташ давомида шахс шеър, ҳикоя, роман ёзиши мумкин.

Мазкур ҳолатда “ҳар ким” – деганда, фақат жисмоний шахс назарда тутилиши хусусида фикр юритганда, шуни таъкидлаш лозимки, ижодий фаолият билан шуғулланиш имкониятига фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасидан фақатгина фуқаролар эга бўладилар ва фақат фуқароларгина ақлий фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган ягона мавжудот ҳисобланади.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланиши фуқаронинг ўз истак ва хоҳишидан келиб чиқиб, илмий фаолият турини эркин танлаши, техникавий ижодкорликни амалга оширишда ва илмий-техник маҳсулотни яратишда бошқа шахсларнинг тазийқидан ҳоли бўлиши билан белгиланади. Ҳар бир кишига берилган илмий ва техникавий ижод қилиш эркинлиги шахс интеллектуал фаолиятининг кафолати бўлиб, фуқаро ўзига тегишли бўлган мазкур фаолият турини ҳаётининг исталган босқичида амалга оширишга ҳақлидир. Зеро, илмий-ижодкорликка нисбатан конун ҳужжатларида муайян ёш цензи қўйилмайди.

Таъкидлаш лозимки, илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан конун ҳужжатларида муайян истисноли ҳолатлар белгиланган ва биринчи навбатда бу ҳолатлар халқ фаровонлигини ва тинчлигини таъминлаш, давлатнинг конституциявий тузумига зид бўлмаслик, доимо таракқиётга хизмат қилиш билан белгиланади. Албатта, мазкур талаблар деярли барча ҳолатларда амалга оширилган илмий ва техникавий фаолият натижасини амалиётга татбиқ этишга нисбатан қўлланилади. Яратилиш ҳолатида ва яратилганлик фактига кўра илмий ва техникавий ижод маҳсули ғаразли мақсадларни кўзлаб амалга оширилмаган бўлса, ижодий фаолият натижасининг аҳамияти ва мазмунидан қатъий назар, у “яшаш ҳуқуқига эга” бўлади.

Интеллектуал мулк объектлари доираси биринчи маротаба Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ни таъсис этувчи 1967 йил 14 июлдаги Конвенциянинг 2-моддаси 8-бандида берилган. Унда кўрсатилишича, интеллектуал мулк қуйидагиларга нисбатан юзага келадиган ҳуқуқларни ўзида ифодалайди:

- адабий, бадиий ва илмий асарларга нисбатан;
- артистлар, овоз ёзиш, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларнинг ижрочилик фаолиятига нисбатан;
- инсон фаолиятининг барча соҳадаги ихтироларига нисбатан;
- саноат намунасига нисбатан;

- товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номи ва тижорат сирларига нисбатан;

- ноқонуний ракобатдан ҳимояланишга нисбатан;

- шунингдек, ишлаб чиқариш. илмий, адабий ва бадий соҳадаги интеллектуал мулк нисбатан.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида интеллектуал мулк объектлари уч гуруҳга бўлинад:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари; эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ФКда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўладилар. Интеллектуал мулк объектларга нисбатан муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари жумласига, муаллифлик ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ ва бошқалар киради. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари билан бирга унинг мулкый ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлади. Муаллифнинг мулкый ҳуқуқларига асарни нашр этиш ҳуқуқи ва ундан олинadиган даромадларга бўлган ҳуқуқ, асардан бошқа шахслар фойдаланишига руҳсат бериш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари нафақат муаллифнинг ёлғиз ўзига балки, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Бунда муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари чекланган бўлиб, у фақатгина интеллектуал мулк объектга нисбатан олинadиган даромаддан улуш ёки мутлақ ҳуқуқни қўлга киритган шахсдан мукофот талаб қилишга ҳақли бўлади. Масалан, селекция ютуғи муаллифи-

нинг патент эгасидан мукофот талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда иш берувчи селекция ютуғини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутақабил равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган селекция ютуғининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) селекция ютуғига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Муаллифга (ҳаммуаллифларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, агар селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентнинг амал қилиш муддати давомида тўлайди (Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида» ги Қонуннинг 7-моддаси)

Шахсий номулкий ҳуқуқлар мулкый ҳуқуқлардан қатъи назар муаллифга тегишли бўлади ва мулкый ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилганда ҳам муаллифнинг ўзида сақланиб қолади. Шу билан бирга интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкый ҳуқуқлар фуқаролик муомиласининг объекти сифатида бир шахсдан иккинчи шахсга эркин суръатда сотилиши, ҳада қилиниши, ворислик асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин бўлса, шахсий номулкий ҳуқуқларни унинг муаллифидан бегоналаштириш мумкин эмас. Мулкый ҳуқуқлар учинчи шахсларга ўтказилганда ушбу шахслар интеллектуал мулк объектдан фойдаланганда улар муаллифнинг шахсий ҳуқуқларига амал қилишлари талаб этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этиш ҳуқуқи) ўзининг ижодий меҳнати билан интеллектуал мулк объектнинг яратган шахсгагина тегишли ҳуқуқ бўлиб, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асосини ташкил этади.

Мутлақ ҳуқуқ деганда ҳуқуқ сохибига муайян ҳаракатни амалга оширишга ўз хоҳиши-истағига асосланиш, эрки ва иродасига мувофиқ ҳаракатланиш ҳуқуқини берувчи ҳуқуқлар тушунилади. Мутлақ ҳуқуқлар одатда мулкый ҳуқуқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, улар билан айний тушунча ҳисобланмайди.

Мутлақ ҳуқуқлар номуайян доирадаги шахслар томонидан фойдаланадиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан татбиқ этилганда ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда интеллектуал мулк объек-

тига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўзига тегишли ҳуқуқлар бузил-маслигини ҳар кимдан ва исталган шахсдан талаб қилиши мумкин. Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби мазкур объектдан ўзи истаган ҳар қандай шаклда фойдаланишга ҳақли бўлади. Бунда мутлақ ҳуқуқ соҳиби интеллектуал мулк объектдан объектив шаклнинг исталган кўриниши: оғзаки, ёзма ва ҳаракатлар орқали фойдаланиши мумкин. Масалан, шоир ўзи яраган шеърни хоҳиш-иродасига кўра, оғзаки ёки ёзма кўринишда, аудио тасмага ёзилган ҳолатда ёки учинчи шахслар идрок қилиши мумкин бўлган бошқа шаклда фойдаланишга ҳақли.

Учинчи шахслар интеллектуал объектдан мутлақ ҳуқуқ соҳибининг розилиги билангина фойдаланиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли. Шу билан бирга фуқаролик қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ФКда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади. Масалан, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида патент эгасининг ҳуқуқлари бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу ҳаракатлар мутлақ ҳуқуқ соҳиби бўлган патент эгасининг ҳуқуқларини чеклайди.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга бундай чеклаш интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини камситмаган тақдирда йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, фуқаролик қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Мулк ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтка-

зилмайдиган мутлак ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлак ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлак ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФКнинг 1035-моддаси).

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлак ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим. Одагда лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлак лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлак лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

- қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлак) деб ҳисобланади. Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли.

Қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усулларини ўзида ифода этади. Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддат мобайнида амал қилади. Масалан, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, матлақ ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат патент ҳисобланади ва ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади. Селекция ютуқларига берилган патент эса йигирма беш йилгача амал қилиши мумкин («Селекция ютуқлари тўғрисида» ги Қонуннинг 14-моддаси). Муаллифга тегишли мутлақ мулк ҳуқуқлар эса муаллиф вафотидан эллик йилгача амалда бўлади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи, асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ, асарнинг номига бўлган ҳуқуқ ва шу каби бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларнинг амалда бўлиши муайян муддат билан аниқланмайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлак ҳуқуқларни химоя қилиш ФҚнинг II-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлак ҳуқуқларни химоя қилиш шунингдек:

мутлак ҳуқуқлар қайсы моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунида назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

5-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

Ҳурматли китобхон, сиз давлат органлари ҳақида бир кадар тасаввурга эгасиз. Олий Мажлис. Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари. ҳокимиятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура, ички ишлар идоралари каби) шулар жумласидандир. Уларга сиз кўп бор у ёки бу масалада (доимий рўйхатга олиш, ўз фирмангизни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир тури (тиббий фаолият, ташқи иктисодий фаолият) билан шуғулланишга лицензия олиш, никоҳдан ўтиш) мурожаат қилгансиз. Ҳаттоки, ушбу органлар айримларининг шаклланишида сиз бевосита қатнашгансиз ҳам. Яъни, сайловлар орқали Президентликка қўйилган ўз номзодингизни ёки Олий Мажлис қуйи палатасини шаклланишида округингиздан ўз номзодингизга овоз бериш орқали иштирок этгансиз. Биласизми, демократик ҳуқуқий давлатларда давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари қуйидан, айнан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббуси билан давлат органларига тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари яратилишида ва уларнинг амалга оширилишида улар лоббист вазифасини ҳам бажарадилар. Конрад Аденауэр, Эдмунд Маски, British consul, Гёте институти, IICA, Sen yolgiz emassan... Айтинг-чи. бу номлар сизга танишми? Ростини айтганда, улар сизга таниш. Ривожланган маърифий давлатларнинг тарихи ва таракқиёти шуни кўрсатмоқдаки, уларда ННТларнинг мавжудлиги ва эркин фаолияти кўрсатиши демократиянинг ўзига хос кўзгусидир. Масалан, Буюк Британиянинг биргина Англия қисмида миллиондан ортиқ ННТларнинг мавжудлиги – бу қайсидир маънода жамиятнинг демократлашганлигини, ҳокимият ваколатларини амалга оширишда англияликларнинг нечоғли иштирокини кўрсатади.

Ҳақиқатан бутунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳақида катта-кичик давраларда, телевидение ва радиода кўп гапирилмоқда. Бу ҳақда қонунлар қабул қилинмоқда. Уларнинг натижаси ўлароқ юртимизда ҳам қатор ННТлар фаолият кўрсатмоқда. Хўш, ННТ ўзи нима? Уни ташкил қилишдан мақсад ва вазифалар нималардан иборат? ННТлар қандай ташкил қилинади ва унга кимлар аъзо бўлаоладилар? Ҳар қандай ННТни ҳам ташкил қилиш мумкинми? ННТ билан давлат органларининг муносабатлари қандай? ННТ ва хо-

рижий ҳамкорлик робиталари бўлиши мумкинми? – тарзидаги саволлар бугунги ўқувчини қизиқтириши табиийдир.

Аввало, шуни айтиш лозимки, ННТлар ташкил қилиш, уларнинг фаолияти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидагидан ёки бундан 10 йиллар аввалги ҳолатдан кескин фарқ қилади. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида кучли ҳуқуқий давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тобора одимламоқда. Фуқаролик жамияти маконини яратиш ва шакллантиришда ННТларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

ННТ, яъни нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, у юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тузиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган, ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромад олишни кўзламайдиган ва олинган даромадни унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ташкилотдир. Бир сўз билан айтганда, ННТ юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний манфаати ва ҳуқуқини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, таълим ва маданий, ижтимоий мақсадларга эришиш, маданий ва бошқа моддий бўлмаган эҳтиёжларни қаноатлантириш, хайрия фаолиятни амалга ошириш, жамият учун фойдали бўлган бошқа мақсадлар учун тузилади.

Таъкидлаш жоизки, ННТлар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари бўлиб, қонуний тартибда белгиланиб ва расмийлаштирилган касба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамияти, хотин-қизлар ташкилоти, ёшлар ва ветеранлар ташкилоти, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа ҳаракатлари тан олинади.

Давлат ННТнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя қилишни таъминлайди, ижтимоий ҳаётда иштироки учун тенг ҳуқуқий имкониятларни улар учун яратади. Давлат ННТнинг алоҳида жамият учун фойдали дастурларини қўллаб-қувватланишига ёрдам беради. ННТнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувиغا рухсат этилмаслиги, ННТ фаолиятига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг аралашуви билан тенгдир.

ННТ юридик шахс ҳисобланади ва таъсис этувчи ҳужжатлар билан белгиланмаган бўлса, фаолият муддати чекланмасдан тузилади. Демак, Ўзбекистон миллий қонунчилиги доктринасига кўра, юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъектларидир.

Ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот *юрӣдик шахс* ҳисобланади.

Юридӣк шахснинг қуйидаги белгилари мавжуд:

– *ташкӣлий бирлик*, яъни бу юридӣк шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлигини билдиради;

– *мулкӣ мустақиллик*, яъни фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун юридӣк шахс ҳисобланган ҳар қандай ташкилотнинг ўзига хос мулки бўлиши, ҳар қайси давлат ташкилотининг ўзига бириктирилган мол-мулки бўлишини тақазо қилади. Бошқача айтганда, юридӣк шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак;

– *мустақил мулкӣ жавобгарлик*. Унга қўра, юридӣк шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган (давлат ташкилоти эса, ўзига бириктириб қўйилган) мулки билан жавоб беради. Юридӣк шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, бу ташкилотлар ҳам давлат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар;

– *фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш*, яъни юридӣк шахс ҳисобланган ташкилот ўз номидан турли битимлар туза олади, ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган ҳуқуқларга эга бўла олади, мажбуриятлар вужудга келтира олади, демакдир. Юридӣк шахс судда, хўжалик судида мустақил равишда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

ННТ ўз иштирокчилари ва аъзоларининг конуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга; турли ижтимоий ҳаёт масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳуқумати ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш; давлат бошқаруви ва ҳуқумат органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; оммавий ахборот воситаларини тузиш ва нашриёт фаолиятини амалга ошириш; шартли масалаларни бажариш учун тadbиркорлик уюшмасини тузиш; ўзининг рамзини тузиш; ўз фаолияти масалалари тўғрисида мажлислар, конференциялар ўтказиш; филиаллар яратиш ва ваколатхонасини очиш ҳуқуқига эга.

ННТ жамоат уюшмаси, ижтимоий фонд, муассаса, шунингдек, қонуний актлар томонидан кўзланган бошқа шаклларда тузилиши мумкин. ННТ ўз фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида, шунингдек, умумий манфаатларни ҳимоя қилиш ва тақдим этиш мақсадида ассоциация (иттифок) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси маънавий ёки ўзга моддий бўлмаган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун улар манфаатларининг умумийлиги асосида қонуний белгиланган тартибда бирлашган ихтиёрий фуқаролар бирлашмаси ҳисобланади. Жамоат бирлашмаси иштирокчилари мулки жамоага улар томонидан берилган мулкка, шунингдек аъзолик бадалларига нисбатан ўз ҳуқуқларини йўқотадилар. Уларнинг аъзолари сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, жамоат бирлашмаси эса ўз аъзоларининг мажбуриятларига кўра жавоб бермайди.

Давлатимизнинг Асосий қонуни жамоат бирлашмаларининг рўйхатини чегараламайди, бу эса ушбу бирлашмаларнинг турли хил доира кенглигини давлат томонидан тан олинаши ва улар фаолиятининг барча жабҳалари кафолатининг ёрқин исботи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамоат фонди – юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулккий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат но-тижорат ташкилотидир¹

Жамоат фондига унинг таъсисчилари ёки васият қолдирувчи томонидан бериб юборилган мулк жамоат фондининг мулки ҳисобланади. Жамоат фондининг мулки маъмурий харажатларни қоплаш учун ва фондининг вазифалари ҳамда шартли мақсадларини бажариш учун ишлатилади. Жамоат фонди ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ўз ҳисоботини нашр қилиши керак.

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат характердаги вазифаларни бажариш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузилган муассаса ННТ деб тан олинади. ННТнинг бошқа турлардаги муассасалардан фарқи шундаки, уларда бўлган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг характери ҳисобланади ва улар унинг устидан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини амалга оширмайди, балки ашё ҳуқуқининг алоҳида турларига эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширади. Агар давлат муассасасида мулк оператив бошқарув ҳуқуқида бўлса, улар смета

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9-10, 141-м.

бўйича унга ажратилган пул маблағи ҳисобига эгалланган мулк билан ва уларга бириктирилган мулкдан бошқа усуллар билан фойдаланиш ёки бегоналаштириш ҳуқуқига эга эмас. Агар таъсис этилган ҳужжатларга мувофиқ даромад келтирадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва шу даромад ҳисобига эгалланган мулк, муассасанинг ихтиёрига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

Хусусий мулк эгасининг ва мулкнинг унга бириктирилган нотижорат ташкилотларидаги пул маблағлари хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлади ва шунга кўра улар тақдим этилган воситалардан, шунингдек, ушбу воситалардан фойдаланганда олинган даромадлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

ННТ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин, уларнинг фаолияти унинг уставига мувофиқ бир нечта давлатларнинг ҳудудларида кеш ёйилиши мумкин.

ННТ қонунга мос равишда таъсисчининг (аъзолар) қарорига мувофиқ тузилади. ННТ Ассоциациялари (уюшмалар) иккитадан кам бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташаббусига кўра тузилиши керак. ННТнинг таъсисчилари ва ташаббускорлари таъсис съездини (конференция) ёки умумий мажлисни чақиради ва унда бошқарув органлари сайланади ва устав қабул қилинади. ННТнинг таъсис ҳужжатлари талаблари, албатта, ўзи учун ҳамда унинг таъсисчилари ва иштирокчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Таъсис шартномасида тарафлар ННТ Ассоциациясини (уюшма) тузиш мажбуриятини оладилар уни тузиш бўйича биргаликда фаолият тартибини, ўз мулкни бериш ва унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини, ННТнинг фаолиятини бошқариш, таъсисчиларни унинг таркибидан чиқиб кетишни белгилайди. Таъсисчиларнинг келишувига биноан таъсис шартномасига бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

ННТ уставига ННТнинг номланиши, мақсади ва вазифалари, унинг ташкилий ҳуқуқий шакли, фаолият доираси; бошқарув органлари ва тузилиши, зарурат бўлганда унинг назорат-тафтиш органлари (жамоат фонди учун – мажбурий) ёки аудиторларни жалб қилиш мажбурияти (аудиторлик фирмалар); бошқарув органларининг шакллантириш тартиби ва вазифалари, доимо амалдаги бошқарув органининг жойлашган жойи; аъзоликни эгаллаш тартиби ва йўқотиш, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари – белгиланган аъзолар билан бирлашиш учун; пул маблағлари ва бошқа воситаларнинг шаклланиши

манбалари, мулкка бошчилик қилиш бўйича унинг бўлинма тузилмалари ва ННТ ҳуқуқи, фаолиятини тўхтатиш ва қайта тузиш тартиби; уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи назарда тутилади. ННТ устави унинг рамзини ҳам таърифлаши мумкин.

ННТ иштирокчилари (аъзолари) таъсисчилари 18 ёшга етган жисмоний шахслар, шунингдек, қонунчиликда белгиланмаган юридик шахслар бўлиши мумкин. Ёш ННТ аъзолари 14 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин; ННТ аъзолари яна 10 ёшга тўлган шахслар бўлиши ҳам мумкин Эгаллашнинг шартлари ва тартиби, аъзоликни йўқотиш, ёшига қараб аъзоликдаи чиқиб кетиш шартларини ҳам назарда тутиб тегишли устав томонидан ННТда белгиланади.

У ёки бу ННТнинг фаолиятида иштирок этиш ёки аъзо бўлиш талаби расмий ҳужжатларда белгиланади. Фуқароларнинг ННТга тегишли ёки тегишли эмаслиги уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш учун асос бўлмайди.

Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат томонидан ва халқаро шартнома томонидан белгиланган қонунлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан ННТнинг тенг таъсисчиси, иштирокчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

ННТнинг давлат томонидан расмийлаштирилиши Адлия органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган халқаро ННТ, ННТнинг хорижий ва халқаро филиаллари ва ваколатхоналари, республика ва вилоят ННТлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида расмийлаштирилади. Вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ, овул ҳудудларида кенг ёйилган ННТ фаолияти Қорақалпоғистон Адлия вазирлигида, адлиянинг вилоят ва Тошкент шаҳар бошқармаларида рўйхатдан ўтади.

ННТ расмийлаштирилиши икки ой муддат ичида амалга оширилади.

ННТ таъсис ҳужжатлари томонидан кўзланган тегишли фаолиятни ва қонун томонидан ман этилмаган фаолиятнинг ҳар қандай гурунини амалга ошириши мумкин. Халқаро ва хорижий ННТ филиаллари ва вакиллари ҳамда уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қандайдир сиёсий партиялар фаолиятида ва филиал ёки вакилликнинг уставдаги мақсадларига жавоб бермайдиган фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва акцияларни улар томонидан молиялаштиришга, шунингдек, шундай ташкилотларни тузишни қўллаб қувватлаш ва ташаббус кўрсатишга руҳсат этилмайди.

ННТ фаолиятнинг айрим турлари лицензия асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу фаолият турлари амалдаги конунчилик асосида белгиланади. Аъзолар конунчиликка мувофиқ ННТ уставнинг мақсадларига тегишли ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

ННТ ўз фаолияти билан бошқарув ва давлат органларидан мустақилдир, конунчилик актларида кўзланган ҳолатлардан ташқари, уларнинг назорати остида эмас ва уларга ҳисоб бермайди.

ННТ бино, иншоот, яшаш жойлар, асбоб-ускуна, инвентарь, пул маблағлари; шу билан бирга, чет эл валютаси, кимматбаҳо қоғозлар ва бошқа мулкка эга бўлиши мумкин. ННТ мулки конун билан ҳимояланади. ННТ ўзининг мажбурияти асосида конунчилик актларига мувофиқ ўз мулкига жавоб беради.

ННТ мол-мулкни шакллантириш манбалари: кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар ННТ уставида назарда тутилган бўлса; муассислардан, катнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар; ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар; тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда), шунингдек конунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар бўлиши мумкин.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ННТлар томонидан катта ва техник-ҳуқуқий воситаларнинг кенг доираси орқали амалга оширилиши мумкин. ННТ бевосита давлат ҳукумати органи ва суд органларида ҳимоячи бўлиб иштирок этиши мумкин. Инсоннинг ижтимоий мақомига, унинг ёши, жинсига нисбатан, унинг ҳимоячиси бўлиб – касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда – ногиронлар уюшмаси, жамиятда зиёлилар ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилувчилар бўлиб – ижодий уюшмалар, ишлаб чиқарувчилар, корхона эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар бўлиб – Савдо-саноат палатаси ташаббус билан чиқиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари бўлиб – халқаро сиёсий даражада ёки давлат сиёсати даражасида глобал микёсда халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар иштирок этиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ННТ фаолияти Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан олдинга сурилган **“Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун”** принципининг муҳим бирламчилик ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишда давлатнинг объектив сиёсатини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикасида ННТ фаолиятини хуқуқий тарғибга солиш

Ўзбекистон Республикасида ННТ фаолиятининг хуқуқий тарғибга солиниши ўтган асримизнинг 90 йилларига тўғри келади. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий манфаатларни юзага чиқаришга қаратилган ҳамда шу соҳада фаолият юритаётган ташкилотларнинг махсус мақомини белгилайди. Шунини айтиш керакки, ННТлар мустақилликнинг илк йилларидан махсус муомала лаёқатига эга бўлган хуқуқ субъектлари сифатида тан олинган эди (хусусан, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос тартиб-таомиллари, солиқ ва бошқа имтиёзлар тўлашдан озод қилиш каби). Бунда Ўзбекистон Республикасида халқаро хуқуқ нормаларида кенг қўлланиладиган “нодавлат нотижорат ташкилотлар” аббревиатураси (тушунчаси) нинг миллий қонунчилигимиздаги асосий аналоги бўлиб кейинги йилларда “жамоат бирлашмалари” деб номланадиган тузилмалар ижтимоий ҳаётимиздан кенг ўрин олди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунига кўра, жамоат бирлашмалари ўз хуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир¹

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг муҳим хусусиятлари ва фаолиятини тузиш тартибининг норматив белгисига шартли комплекс таснифни берадиган, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни, 1992 йил 2 июлдаги “Қасаба уюшмалари, уларнинг хуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”²ги қонун соҳада бирламчи норматив актлар бўлган. Ушбу норматив актлар қабул қилиниши билан нотижорат ташкилотлар учун айнан юридик шахсларни ташкил қилишнинг қонуний имконияти пайдо бўлган. Шу пайтгача нотижорат лойиҳа ташаббускорларига кооператив, кичик корхоналар шаклида ўз муасса-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 76-м.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 344-м.

саларини (марказлар ва б.), шунингдек, кўп сонли марказларнинг ҳуқуқий асосига эга бўлмаган шаклда ҳам очишга тўғри келган.

1995-1996 йиллар нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги энг муҳим нормаларни ўзида ифодалаган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши ва амалга киритилиши нотижорат ташкилотларнинг фаолияти ва мақомини ҳуқуқий таъминлаш масалаларини ҳал қилишда асосий давр бўлди.

Ушбу ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган қонунларнинг бир нечтасини қабул қилди, яъни 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сўёсий партиялар тўғрисида”, 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, 1999 йил 14 апрелда қабул қиланган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар.

Юқоридаги норматив ҳужжатларнинг сўнггиси Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий механизмини тўла тасдиқлади, шунингдек, уларнинг асосий турларини белгилади. Ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, мусса-саса шаклида, шунингдек, қонунларда кўзда тутилган бошқа шаклларда ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси энг муҳим кодификациялашган ҳужжат ҳисобланади ва аниқ ва кенг тартибда уларнинг турларини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти оиласига тобора интеграциялашмоқда. Инсон ҳуқуқларига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилмоқда, уларни рағбатлантириш қилмоқда. Мамлакатда қатор институционал ўзгаришлар амалга оширилиши бориб, энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистон давлат функциялари ва вазифаларини амалга оширишда номарказлаштириш йўлидан бормоқда. Айни вақтда давлат функцияларининг бир қанчаси эволюцион тарзда фуқаролик жамияти институти – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига – ННТларга ўтказилмоқда. Бугунги кунда мамлакатни модернизация қилиш ва ижтимоий ҳаётни либераллаштириш жараёнида ННТлар дарҳақиқат қатта куч бўлиши лозим. Зеро, ушбу ташкилот-

ларнинг фаолияти фуқароларнинг кенг ва муайян қатламлари эҳтиёжларини мақсадга мувофиқ, самарали ва оператив тарзда кондирлишига хизмат қилади. ННТ фаолияти қанчалик самарали бўлишидан, аввало, унинг аъзоси, таъсисчиси, бир сўз билан айтганда, ҳаммаслақ фуқаролар манфаатдордирлар. Шу маънода ушбу тузилмаларни жамиятга янада фаолроқ кириб бориши, унинг фаолиятига фуқароларни кенг жалб қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Қонун давлат ННТларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлашини, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари (субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш шаклида) ва шартларини, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ННТларнинг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкинлигини белгилайди.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига асосан Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Давлат ННТ фаолиятининг асосий кафолатларини улар фаолиятининг асосий жиҳатлари – “фаолият эркинлиги”, “ахборотдан фойдаланиш” “мулк ҳуқуқи” кафолатлари доирасида белгилаб беради.

Энг аввало, ННТлар қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкинлигини белгилайдики, бу ҳол ҳам ҳуқуқий давлат принципларига, ҳам ННТлар фаолият доираси ва кўлами, мақсад ва вазифаларига ҳамохангдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда

тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди. Бунда ННТларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади.

ННТларнинг ахборотдан фойдаланиш кафолатларига кўра, давлат ННТларнинг конун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

ННТларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларига асосан уларнинг мол-мулки дахлсиз ва конун билан муҳофаза қилиниши белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ННТларнинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, ННТларнинг тури ҳисобланган жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади. Бу ҳолат ҳам ННТлар фаолиятининг ўзига хос кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида Ўзбекистон ривожланишининг асосий йўналишларига бағишланган маърузасида – мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ қилиш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришнинг асосий вазифа ва йўналишларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга ошириш “фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий институтлари – ноҳукумат ва жамоат бирлашмалари”нинг мамлакатимизни ривожлантириш жараёнида кўпроқ иштирок этишини назарда тутди. Қўйилган мақсадларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлиб фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш такозо этади.

Давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган миллий конун ҳужжатлари, дарҳақиқат, диққатга сазовордир. Улар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Айнан ушбу Қонунларнинг қабул қилиниши, ННТ демократик жамият ва демократик давлатни қуришга йўналтирилганлигини яна бир бора тасдиқлади. Ўз навбатида айнан ННТ давлатнинг қисман “ижтимоий оғирлиги”ни енгиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишга ва кучли ижтимоий сиёсатни давлат томонидан амалга оширишга имкон берди. Шунингдек, ННТ томонидан инсон ҳуқуқларини янада кучлироқ ҳимоя қилишни амалга оширишда давлатнинг ўзи ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгни шакллантириш доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояларини ННТ орқали аҳолига татбиқ этиш бўйича лойиҳалар мажмуасини ишлаб чиқиш керак.

VI БОБ. ОИЛА ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда ва унинг натижалари айтиш мумкинки муваффақиятли бўлмоқда. Ислохотларнинг пировард мақсади – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади¹

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилган.

1993 йилдан буён Венада, Қохирада, Копенгагенда ва Пекинда ҳамда қатор бошқа халқаро анжуманлар кун тартибига оила масаласи атайлаб киритилишида ҳам катта маъно бор.

Ҳар йили белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила ва унинг мустақамлиги муаммоси умуминсоний вазифа эканлиги эътироф этилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида шундай дейилади:

1. Балоғатга етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бирор бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаландилар.

2. Никоҳ, никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида нормаланган ҳуқуқий қадрият ниҳоятда рамзий ва теран маънодадир: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2003. -5 б.

Жамият ва давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваламбор, давлат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини каноатлантиришдан иборатдир.

Оила ҳуқуқи оилавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб, қариндошчилик муносабатига асосланган шахслар ўртасидаги шахсий ҳамда мулкӣ муносабатларни тартибга солиди ҳамда ҳимоялайди.

Шу нуқга назардан олганда, оила ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилинадиган шахсий ҳамда мулкӣ муносабатлар доираси кенг бўлиб, асосан оилавий муносабатларда шахсий муносабатлар устувор характерга эга бўлиб ҳисобланади. Бевосита оилавий муносабатларда иштирок этувчи шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари нафақат оила ҳуқуқи нормалари билан, балки фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Шуни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, оила ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш масаласида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Никоҳ муносабатлари бевосита шахсий ҳуқуқий муносабат бўлганлиги сабабли у нафақат оила ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя остига олинади, балки одоб-ахлоқ, маҳаллий урф-одат ва анъаналар билан ҳам тартибга солинади.

Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари бевосита Оила кодексининг 13-17-моддалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳгина тан олинади. Бу ҳолат оила муносабатларини тартибга солувчи асосий таъминчилардан биридир.

Юқорида таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида никоҳ тузиш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу Декларация нормаларига биноан давлат органларида қайд этилган никоҳгина тан олинishi кўпгина Европа давлатлари учун характерлидир. Лекин баъзи давлатларда, масалан, Буюк Британия, Греция, Испания, Португалияда никоҳ альтернатив асосда: ё диний, ё фуқаролик шаклда қайд этилишига қонун йўл қўяди.

Ўзбекистон Республикасида диний расм-русусмларга биноан тузилган никоҳ юридик кучга эга бўлмайди ва эр-хотин учун ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Лекин баъзи давлатларда диний никоҳ расман тан олинаверади. Жумладан, Миср, Ливия, Ироқ, Эрон, АКШнинг айрим штатларида, Канаданинг айрим провинцияларида шу ҳолни кузатишимиз мумкин. Ўзбекистондаги каби Германия, Франция, Швейцария, Япония давлатларида ҳам никоҳни фуқаролик шаклда тузилиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, эр-хотин ва болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида ФХДЁ органларида тузилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, диний урф-одатлар асосида тузилган никоҳлар ҳуқуқий кучга эга бўлмайди, дегани диний маросимларга йўл қўйилмайди дегани эмас, балки 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3 ва 14-моддаларига мувофиқ никоҳ тузишда диний урф-одатлар ва маросимларга амал қилишларига тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-15-моддаларида никоҳ тузишнинг икки шарті мустаҳкамланган:

- никоҳга қирувчи эркак ва аёлнинг ўзаро ихтиёрий розилиги;
- уларнинг никоҳ ёшига етганлиги.

“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 16-моддасида “Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин”¹, деб кўрсатилганлигининг ўзиёқ, никоҳ тузишда ихтиёрийлик тамойилининг ўта муҳимлигидан далолат беради.

Биз қураётган адолатли жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат.

Қонуний тузилган никоҳнинг моҳияти яна шундан иборатки, бунга кўра, эр ёки хотин томонидан қонунларнинг бузилиши, эр-хотиндан лоақал биттаси рўйхатга олинган яна бошқа бир никоҳда турганлигини олдини олади, никоҳ тузиш тўғрисидаги статистик маълумотларни аниқлашга ва шу билан давлатни оилаларга бериладиган турли имтиёзларни тўғри йўлга қўйишга ва бошқа масалалар бўйича иш юритишга ёрдам беради.

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. –Т.: Адолат, 1992.

Амалдаги Оила кодексининг 13-моддасининг 2-қисмида диний расм-русумларларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги ҳақида қисқа ва тушунарли кўрсатма берилган.

Оила ҳуқуқи нормаларида белгиланган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг давоми сифатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, нафақат никоҳ муносабатлари балки вояга етмаган болаларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя остига олинганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳар бир инсон, ҳар бир оила, жамиятнинг муқаддас вазифаси, энг аввало, қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституциямизда “оила-жамиятнинг асосий бўғини, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланади, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт”¹, деб кўрсатиб ўтилган. Бу ишончли, ҳуқуқий кафолатларда халқимиз босиб ўтган узоқ ва ёрқин тарихий йўлнинг бетимсол сабоғи, қадим анаъаналаримиз акс этиб туради.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-окибати биринчи навбатда оилада намоён бўлади.

Оила кодексининг 65-моддасига кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши, улар билан яшаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор:

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилиши;

Ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан қонуний вакил эканликлари ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари ва шу қабилар қонун билан мустаҳкамланиб қўйилган.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганида, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2003 йил.

амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва рухий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний кадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлашдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-оналар конунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва хомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Ота-она алоҳида яшаганларида болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, болаланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб колганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг шахсий фазилатларини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва уни камолоти учун шарт-шароитлар яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган болалар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари конунлар билан ҳимоя қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқини суистъемол қилиш деганда болалар манфаатларига зид ишни тутишни, масалан, ўқишга, жамоат топширикларини бажаришга тўсқинлик қилишни, тиланчилик, спиртлик ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ундашни, уни жинойий ҳаракатга жалб қилишни тушунмоқ керак.

Болага нисбатан ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзолари шафқатсиз муносабатда бўлсалар, ота-она бунга қаршилиқ қилмаса, бу ҳолда ота-оналик ҳуқуқи Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

Болани ота-она ёки уларнинг бири билан қолдириш ота-онага ёки уларнинг бирига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан

кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (ёки уларнинг бири) билан қолдириш оқибатида уларнинг ҳуқуқ-атвори бола учун хавф туғдирса, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Ота-она ёки уларнинг бир ўз ҳуқуқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”¹, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”²ларда айтилганидек, “... барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар”

Ушбу халқаро ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи алоҳида нормаланadi. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Масалан, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилиш кабилар. Айнан Оила кодексининг 79-моддаси 4-хатбошисида, “ота-она ота-оналик ҳуқуқини суистеъмо қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин”лиги нормаланган.

Шуниси муҳимки, боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (ёки улардан бири) боланинг таълим-тарбиясида ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганида ё бўлмаса ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмо қилганида бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриши шарт.

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Human right fact sheet 10 the rights of the child тўплами. Женева, 1991 йил. -Т.: Адолат. 1996 йил.

² Уша жойда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Ғарбий Европада, АҚШда болаларни шахс сифатида камол топиш жараёни тезлашмоқда. Бу ҳолат, айниқса, болаларнинг маънавий дунёсида индивидуализм (ҳар бир масала бўйича ўз қарашларига эгалик, бошқаларнинг таъсирида бўлмасликка интилиш, маълум маънода худбинлик, бошқалар манфаатини ҳисобга олмасдан ўз манфаатларини устувор қўйиш) хусусиятларининг яққол кучайишида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Салбий жиҳати шундан иборатки, бунда асрий баҳс – оталар ва болалар ўртасидаги зиддият чуқурлашади, болаларнинг катталар таъсиридан чиқиши қўйилмаган ва баъзан мудҳиш оқибатларга олиб келади. Ижобий томони шундаки, болалар катталар, айниқса, ота-оналар уларга нисбатан ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилишларига йўл қўймайдилар. Масалан, сўнгги йилларда Англияда ўзларига нисбатан шафқатсиз муомалада бўлган ота-оналарни судга берган болалар сони анча кўпайди. Албатта, ғарб билан Шарқ минтақитети, қадриятлари ўзига хос фарқларга эга. Бироқ, инсон ҳуқуқлари нуқтаи-назаридан олганда болаларни ўз ота-оналари, васий, ҳомийлари ва бошқа қонуний вакиллари билан низолаштириш имкониятлари мавжудми? – деган савол туғилиши табиий. Умумий қоида бўйича бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларни қузатиб бориш маҳалла, мактаб, қўни-қўшни, участка милиция ҳозирги томонидан амалга оширилади. Агар бу муносабатларда нормал табиий-инсоний мезонлар бузилса, биринчи галда юқоридаги субъектлар бонг урадилар. Боланинг ҳуқуқларини ҳимояси ҳақидаги масалани вақолатли давлат идоралари (милиция, суд, прокуратура) олдига қўядилар. Боланинг ўзи ҳам юқорида кўрсатилган шахсларга ва идораларга ҳимоя сўраб мурожаат этишга ҳақли. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, халқимиз болажон халқ, ота-она учун фарзанд азиз, бола манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Шу сабабли ота-оналар ўз болаларини қаровсиз ташлаб қўйиши, шафқатсиз муносабатда бўлиши ҳоллари деярли кам учрайди. Кўп ҳолларда, ота-онанинг болани терғаш, назорат қилиши (масалан, муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, турли хил зиёфатлар, улфатчиликларга қатнашишни тақиқлаш ва х.к.) бола манфаатлари нуқтаи назаридан, уни ҳалол, барқамол инсон бўлиб камол топишини кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Оила-жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб нормаланган. Маълумки, оила жа-

миятнинг муҳим бўғини сифатида болалар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Оиладаги ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафақат оила қонунчилиги билан, балки жамиятда муҳим кадрият сифатида шаклланган ахлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, бевосита уларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини янада ҳам мустаҳкамлаб кенг қамровли йўлга солишга хизмат қилувчи республикамизда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Мазкур қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йилнинг 1 декабрида маъқулланиб, 2008 йилнинг 8 январидан қучга кирди.

Қонун 32-модда, 4 бобдан иборат бўлиб, ушбу қонунда асосий тушунчалар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари ва шу каби бошқа муҳим масалалар очиб берилган.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, унда илк бора бола (болалар), боланинг қонуний вакиллари, васийлик ва ҳомийлик, етим бола, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, ногирон бола, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола каби тушунчалар бир-биридан фарқланиб, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни моддий ва маънавий-қўллаб-қувватлаб каби масалалар атрофлича ёритиб берилди.

Дарҳақиқат, барчамизга яхши маълумки, 2008 йил Президент И.Каримов томонидан “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Зотан, оилаларда фарзандлар дунёга келиб, оилаларда тарбия топиб улғаядилар. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган қонуннинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади¹

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон, шахс маълум бир оилада дунёга келади. Оиладаги соғлом руҳий муҳит, шароит, маънавий баркамоллик

¹ Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан катъият билан давом этиш. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган қилишда қонуннинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2007й. 8 декабрь.

оиладаги вояга етмаган боланинг рухиятига, унинг келажагига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Оила кодексининг 65-моддасига кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши, улар билан яшаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари конун билан ҳимояланиб, бахтиёр ёшликни таъминланиши кўзда тутилади. Бизнинг ҳаётимизда болаларни тарбия қилишда оиланинг ролига алоҳида аҳамият берилади. Мамлакатнинг ёш фуқароси қандай бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оилага, айниқса, онага боғлиқдир. Жамиятнинг бошланғич ячейкаси бўлган оилада кишилар маънавий етуклик олади, ҳаётдаги ўз ўрнини чуқур тушуна бошлайди.

Мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенциялар ва шартномалар иштирокчиси ва улар миллий конунлар мазмунига сингдирилмоқда. Шу муносабат билан халқаро Конвенциялар ва оилавий-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни илмий мушоҳада қилиш ўзига хос аҳамият касб этади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси¹, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”ларида айтилганидек, “ барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар”

Давлат БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциясига қўшилар экан, унинг 27-моддасида “иштирокчи давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиши учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар” – дейилади. Болалар алоҳида ҳимояга муҳтож аҳолининг демографик гуруҳи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу халқаро ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи алоҳида нормаланади. Вояга етмаган бола конунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

¹ «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» Т., “Адолат” 1996 йил

² “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”. Human right fact sheet 10 the rights of the child тўплами. Женева, 1991.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган иззат-хурмати, муомаласи оиладаги маданиятни ифодалайди. Бундай оиладаги маданият фарзандларнинг яхши тарбия олишларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-моддасига мувофиқ эр-хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадилар деб кўрсатиб ўтилган. Демак, ота-она ўз фарзандларига нисбатан ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб ҳисобланадилар. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ва камолати учун жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларини тўлақонли моддий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг маънан ва руҳан соғлом бўлиб вояга етишларида бевосита иштирок этишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатлар бир тарафлама ҳолатни очиб берса ҳам, унинг мазмун-моҳиятида асосий эътибор – боланинг ҳар тарафлама етук, тўлақонли шахс бўлиб етишишни кафолатлашдан иборатдир.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Масалан, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилиш кабилар бунга мисол бўла олади.

Мукаддас Ҳадиси Шарифда ҳам "фарзандларингизни иззат-икром билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланганлар" деб хитоб қилинган.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига кўшилиши, унда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши ҳамда ўзининг вояга етмаган фарзандларининг тақдирини аввалдан ҳимоя қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг "Ёшлар" йилида қабул қилинганлиги ҳам айтиш мумкинки, ҳозирги ривожланиш, тараққиёт даври учун айтиш мумкин бўлди.

VII БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ХУҚУҚЛАРИ ДОИРАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Маълумки, инсон ҳуқуқлари бутун инсоният интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг камровли тушунчадир... Инсоният ўзинг узок, тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик – инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар жумласига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бундай халқаро ҳужжатлар тизимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бутун жаҳон ҳамжамияти каторида мустақил Ўзбекистон ҳам жорий 2008 йилда ушбу оламшумул халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг 60 йиллигини кенг нишонламоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси барча инсонларнинг тенг ҳуқуқлилигини тантанали равишда эълон қилар экан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ёши ва бошқа фарқли жиҳатларига қарамадан, тенг равишда ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам ушбу Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг кўпчилиги ҳам вояга етган, ҳам вояга етмаган инсонларга бирдек тегишлидир. Аммо вояга етмаганлар ҳар қандай давлат ва жамиятнинг эртанги кунини, ҳал қилувчи кучи эканлигидан келиб чиқиб, ушбу Декларацияда ва унга асосан қабул қилинган бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда уларга айрим имтиёзлар ҳам берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида вояга етмаганлар ҳуқуқларининг узвий таркибий қисми бўлган фуқаролик ҳуқуқлари, жумладан, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи ва бошқа бир қатор ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатлари учун йўналтирилганлиги сир эмас. Айниқса, мамлакатни модернизация ва ислох этиш шароитида тадбиркорлик субъектларига кенг эркинликлар берилиши, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўз фаолиятлари-

ни ташаббускорлик асосида олиб боришлари, фуқаролик ҳуқуқларининг тўққинликсиз амалга оширилиши инсон манфаатлари, фуқаро, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини ташкил этади¹

Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва Ҳукумат томонидан махсус дастурлар қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, деб белгиланиши, бу борадаги давлат ҳимоясининг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ва жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришлар вояга етмаган шахсларга оид ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини жадаллаштиришга олиб келди. Бу соҳадаги ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш вазифасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган қонуннинг² мантикий давоми сифатида 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди³

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролар эркинликлари ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида анчагина ишлар амалга оширилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш эндиликда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур.

Миллий қонунчиликдан ташқари вояга етмаган болалар ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро норматив ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Амалдаги Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юри-тамиз) нинг 7-моддасига асосан агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлла-

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси, 1992 йил 2-сон, 80-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 1-2-сон, 1-модда.

нилади. Бу каби норма Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида ҳам ифодасини топган.

Демак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро норматив ҳужжатларнинг ўрни бекиёс. Улардан бири – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидир.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида инсон ҳуқуқлари умумий асосда ҳимоя қилиниши белгиланган бўлса-да, лекин унда махсус вояга етмаганларга тушунча берадиган, вояга етмаганлар доирасини белгиловчи нормани учратиб бўлмайди. Фақатгина унда “ҳар бир инсон” ибораси қўлланиладики, шубҳасиз бу тушунча вояга етмаганларни ҳам ўз ичига олади. Вояга етмаган шахсларни ҳуқуқларини алоҳида ҳимоя қилишни нормативлаштириш халқаро микёсда бир неча босқичларда амалга оширилган. Дастлабки бундай қадам 1924 йил 26 сентябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Женева Конвенцияси орқали ташланди. Унда болаларнинг моддий ва маънавий ҳуқуқлари ҳимоя қилинган бўлса-да, лекин унда “бола” тушунчасига тариф берилмайди. 1959 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари” Декларациясида ҳам бола тушунчаси берилмаган. Фақатгина 1989 йилги БМТнинг “Бола ҳуқуқлари Конвенцияси”да “бола” тушунчасига таъриф берилади. Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида берилган тарифга асосан бола бу агар қонун бўйича ушбу болага вояга етганлик олдиндан белгиланмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда болалар манфаатларини муҳофаза қилишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Республикада биринчилар қаторида эътироф этилган халқаро ҳужжат БМТнинг болалар ҳуқуқига оид Конвенциясидир. У сиёсий, фуқаровий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ўзида мужассамлаштириб, халқаро қонун кучига эга ва ҳар бир болани тинчлик, адолат руҳида камол топишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида вояга етмаган ибораси ўрнига бола тушунчаси ишлатилади. Лекин унинг ҳар бир нормасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари сингдирилган ва улар ёши катта фуқаролар билан бирдай ҳимоя қилинади ва муҳофаза ҳуқуқи кафолатланади.

Зеро, мазкур Декларациянинг муқаддимасида ҳимоя оиланинг ҳар бир аъзосига нисбатан қўлланилиш алоҳида белгиланган.

Декларациянинг 1-моддасига эътибор берар эканмиз, унда ҳар бир инсон эркин туғилиши белгиланган. Демак туғилган ва ёшидан қатъи назар ҳар бир фуқаро эркин бўлиб туғилади ва эркин ҳаёт кечиради.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутати, зотан, бундай ҳолат бир неча омиллар билан тавсифланади, жумладан, бир томондан, болалар катталар эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиша олмайди, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади.

Декларациянинг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг 6-моддасида ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар субъект сифатида тан олинши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланганлигидир.

Инсон биологик мавжудот сифатида ҳуқуқ субъектлари орасида ажралиб туради. Инсон – кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг, шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқининг ҳам субъектидир. Лекин мамлакатимиз фуқаролик-ҳуқуқий конунчилиги инсонни фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъекти сифатида белгилаш учун бошқа – “фуқаро” тушунчасини қўллайди. Бу тушунча инсонни “оила аъзоси” сифатида эмас, балки жамият билан муносабатга киришувчи шахс сифатидаги ҳолатини белгилайди. Шу сабаб ҳам фикримизча, “фуқаро” юридик тушунча ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда индивидуал иштирок этувчи субъект – фуқаро, гуруҳ бўлиб иштирок этувчи субъектлар юридик шахс, давлат ҳисобланади. Чунки юридик шахслар ва давлат мавҳум тушунча бўлиб, у фуқароларнинг жамоа шаклида муносабатга киришишида маълум бир восита ҳисобланади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда алоҳида индивид тарзида иштирок этувчи субъект – бу фуқародир. Айрим ҳолларда фуқаро деганда, фақат бир мамлакатга тегишли инсонлар тушунилиши мумкин (масалан, конституциявий-ҳуқуқий муносабатда), лекин фуқаролик конунчилигида фуқаро деганда, нафақат бир давлат фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тушунилиши белгиланган (ФКнинг 16-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқида жисмоний шахс ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга. Унинг субъектчилиги ҳали инсон сифатида мавжуд бўлмаса-да, (туғилмасдан олдин меросга эга бўлиш жараёнида), юзага келиши мумкин. Бундай “хусусият” юридик шахс ва давлатда мавжуд эмас.

Фукаро биологик мавжудот эканлиги билан ҳам бошқа фукаролик ҳуқуқи субъектларидан фарқланади. Айнан ушбу хусусият бошқа субъектларда мавжуд бўлмайди.

Умунан олганда, маълум бир ёш, ўз ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатини англаш, зарур ҳаётий тажриба, зарур ақлий, руҳий ва ўзини ўзи идора этиш қобилиятининг мавжудлиги каби омиллар инсонда мавжуд бўлган тақдирдагина, у ҳуқуқий муносабатга ўзи мустақил киришувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Демакки, вояга етмаганларнинг камол топишида ушбу омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бола шахсини таркиб топтириш учун унинг ривожланиш шароитларини, у дуч келаётган таъсирларни билиш керак. Шунингдек, унинг шахсида таркиб топган хусусиятларни, яъни ташқи муҳитнинг таъсири, амалга ошадиган кичик шароитларни ҳисобга олиш зарур. Шунинг эса тутиш лозимки, болаларни туғилиши биланоқ тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг боиси шуки, ҳамма нарса болаликдан бошланади, катта инсоннинг маънавий қиёфаси болалик йилларида қандай тарбияланганлигига боғлиқ.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида инсонларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳам назарда тутилган. Унинг 17-моддасида ҳар бир инсон мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгалиги назарда тутилган.

Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳада, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек шахсий меҳнати ва тадбиркорлик натижасида ортирилган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Шўро даврида амалда бўлган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига (1969 йил 1 октябрь) болаларнинг мулкӣ ҳуқуқлари тўғрисида тегишли нормалар йўқ эди. Бунинг оқибатида болаларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир қатор мураккаб муаммолар, қийинчиликлар вужудга келарди. Фақат мустақиллик туфайли янги Оила кодексининг қабул қилиниши билан бу муаммо оила қонунчилигида ўзининг ижобий счимини топди.

Миллий қонунчилигимиз мулкдорларнинг ёши борасида аниқ чегара белгиламаган. Демак, ҳар қандай фукаро ёшидан қатъи назар, мулкдор бўлишга ҳақлидир. Бошқача айтганда, вояга етмаганларнинг мулкка эгалик ҳуқуқи вояга етганларнинг ҳуқуқ лаёқатидан фарқланмайди. Фақатгина мулк ҳуқуқини амалга ошириш имконияти вояга етган ва вояга етмаган фукароларда фарқланиши мумкин. Вояга етма-

ганлар мулкка эгалик ҳуқуқини амалга оширишда ўзлари эмас, вакиллари орқали муносабатга киришишади. Айнан вакиллар орқали мулк ҳуқуқини амалга оширишда бевосита вакиллар орқали (14 ёшга етмаган вояга етмаганлар) ва вакилларнинг учинчи шахслар таъсиридан ҳимояси остида айрим ҳолларда ўзлари субъект сифатида ҳаракат қилишлари муомала лаёқатини белгиловчи омил ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг ўз мулк ҳуқуқини амалга оширишларида вакиллари орқали муносабатда бўлишлари, бу уларни мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас, – деган хулосани келтириб чиқармайди. Аксинча, юзага келаётган ҳуқуқ ва мажбурият бевосита вакиллар ҳаракати натижаси бўлса-да, улар вояга етмаганларнинг мулкларига таалуқли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Масалан А. исмли вояга етмаган фуқаронинг мулкига нисбатан белгиланган ҳомий, ушбу мулкни бошқариш учун битим тузаётган бўлса, юзага келаётган ҳуқуқ ва мажбурият ҳомийнинг мулки учун эмас, балки ҳомийлик остидаги А.нинг мулкига нисбатан юзага келади ва А. мулкнинг ҳолати ўзгаради (янги мол-мулк вужудга келади, унинг миқдори ўзгаради ёки бекор бўлади).

Вояга етмаган мулкдор бевосита ўзи ёки вакиллари кўмагида таъсисчи сифатида юридик шахсларнинг тadbиркорлигида иштирок этишлари мумкин. Ж.Юлдашев жисмоний шахслар муомала лаёқатига эга бўлсалар ёки вакиллари орқали муассис бўлишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Лекин муаллиф вояга етмаганларнинг юридик шахслардаги иштирокига алоҳида тўхталиб ўтмайди. Агар Ж.Юлдашев билдирган фикрни таҳлил этадиган бўлсак, улар таъкидламоқчи бўлган вакиллари орқали муассис бўлишлари мумкинлиги тўғрисидаги фикр нафақат вояга етмаганларга, балки муомалага лаёқатли шахсларга ҳам тегишли, – деган хулоса келиб чиқади.

Б.Р.Топилдиев ҳозирги кунда амалиётда вояга етмаганларнинг мол-мулкларини турли тижорат ташкилотларига ҳисса сифатида кўшиш ҳолатлари учраётганлигини таъкидлаб ўтади. Тўғри, аммо ҳар қандай васий ёки ҳомий ҳам мулкни бошқаришда тажрибага, қобилиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатда мулкни бошқаришга профессионал бошқарувчилар жалб этилиши ва улар вояга етмаган шахснинг то муомала лаёқатига эга бўлгунча ёки ундан кейин ҳам тижоратчи юридик шахслардаги улушини бошқаришда қатнашишида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳолатда Б.Р.Топилдиевнинг ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийликдаги шахслар мол-мулкни ишончли бошқаришга

беришнинг шартномавий тартибини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, бунда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозимлиги, шу билан бирга, ФКга ва “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомга “васийлик ва ҳомийликдаги шахс мол-мулкни бошқаришнинг шартномавий тартиби” номли модда киритилишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрига қўшиламиз.

Айрим адабиётларда мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай тижорат ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига ва бирлашмаларига бўлган аъзолик ҳуқуқи ҳамда улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқлари ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос мулк таркибига кирмайди ва мерос ҳуқуқининг объекти бўлмайди. Бу ташкилотларда мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи уларда аъзо бўлиб туриш ҳуқуқидан келиб чиқади, шу туфайли, бу ҳуқуқни на қонун ва на васият бўйича мерос қилиб қолдириб бўлади, – деган фикрлар мавжуд.

Назаримизда ушбу фикр маълум маънода баҳслидир. Нотижорат ташкилотларида аъзолик шахсий характерда бўлиши мумкин. Лекин айрим тижоратчи юридик шахслардаги иштирокчиликни шахсий характерга эга деб бўлмайди. Ушбу юридик шахслардаги иштирок мулкӣ асосга эга эканлиги унинг мерос таркибига кириши учун асос бўлади.

Вояга етмаганлар қимматли қоғоз эгалари бўлишлари мумкин. Бу ерда вояга етмаганлар қимматли қоғозларни асосан мерос тариқасида қўлга киритишлари мумкин. Агар уларга нисбатан эмансипация ҳолати қўлланилган бўлса, у меҳнат қилаётган корхона қимматли қоғозини қўлга киритиши ёки битимлар натижасида қўлга киритиши мумкин.

Вояга етмаганларда мулк ҳуқуқи айрим ҳолларда ворислик асосида вужудга келади. Шу маънода вояга етмаганлар ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга. Мулк ҳуқуқи вужудга келишининг ҳосила усули мулкдорнинг эрки билан боғлиқлигидан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг мерос асосида мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари уларга ҳосила усул асосида вужудга келади. Чунки ворислик собиқ мулкдор – вафот этган шахснинг эр – иродаси натижасидир. Хусусан, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, яъни мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари шу меросдаги улушни васиятнома тузган мерос қолдирувчининг эрки (иродаси) дан ташқари

мерос килиб оладилар. Вояга етмаган фукаро мерос олувчи сифатида намоён бўлади.

Бола, набира, чевара ва эвараларнинг меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади. Васият бўйича меросхўрлар доирасига кириш учун фуқаронинг миллати, фуқаролиги, турар жойи, ижтимоий келиб чикиши, эгаллаб турган мансаби ва моддий аҳволи, шунингдек муомалага лаёқатсизлиги таъсир этмайди. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлмаган ва мерос очилгандан кейин ўлик туғилган болалар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда тугатилган юридик шахслар васият бўйича мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

ФКнинг 1135-моддасига мувофиқ, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига қирадилар. Шубҳасиз, бундай ҳолдаги мерос олиш ҳам мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг ҳосила усули ҳисобланади.

ФКнинг 1118-моддасига мувофиқ мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Меҳнатга қобилиятсиз бир йил давомида мерос қолдирувчи қарамоғида бўлган боқимлари – 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва 18 ёшга тўлмаган ўқувчи болалар ҳам қонун бўйича ворислар жумласига қиради.

Вояга етмаганларга мерос қолиши натижасида улар мулкдорга айланади. Лекин назаримизда, амалдаги қонунчилик уларнинг мерос қолган кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи масаласини тўлақонли тартибга солмаган. Одатда, мерос қолган кўчмас мулкнинг йўқолиб кетиш эҳтимоли кам бўлади ва у боланинг вояга етгунича ўз хусусиятини йўқотмай, сақланиб туришига олиб келади. Бундай мол-мулкни сақлаш эса вояга етмаганнинг ота-онаси, васий ёки ҳомийнинг вазифаси ҳисобланади. Зеро, бундай мол-мулклар муомалага лаёқатли шахслар томонидан тасарруф этилишини назарда тутадиган бўлсак, бундай мол-мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини вояга етмаганлар амалга ошира олмайдилар. Кўчмас мол-мулкни бола манфаати учун сақлаш, унинг эҳтиёжи ва манфаати йўлида ишлаганини тўғри йўлга қўйиш учун, фикримизча, кўчмас мулклар билан боғлиқ мулк

кий ҳуқуқларни амалга ошириш васийлик ва ҳомийлик органлари кузагуви остида бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Демак, ФК талаблари асосан вояга етмаганларни мерос ва васиятнома олувчи субъект сифатида кўради. Лекин улар мерос қолдирувчи, васият қилувчи субъект бўлиши ҳам мумкинми? – деган савол туғилиши табиий, албатта. Фикримизча, бу масала баҳсли ҳисобланади ва шу сабабли ҳам фуқаролик ҳуқуқи назариясида бу тўғрида ягона фикрлар мавжуд эмас. Масалан, айрим олимлар вояга етмаганларни ўз меҳнатлари ёки муайян битимлар (олди-сотди, ҳадя) тузиш орқали маълум маблағларга эга бўлишлари ва уларни васият қилиб қолдиришлари мумкинлигини таъкидлашса, айримлари меросхўр бўлишлари мумкин, лекин васият қила олмайдилар деган фикрларни илгари сурадилар. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, айрим мутахассис олимлар вояга етмаганларнинг васият қилишдек ҳуқуқ лаёқати гарчи вакиллари таъсирида бўлса-да, уларнинг бевосита шахсий ҳаракатлари орқали амалга ошишини таъкидлашади. Фикримизча, ушбу фикрлар ҳақиқатга яқинроқ. Зеро, масалан, А. исмли вояга етмаган фуқарога мерос тариқасида муайян мол-мулк қолган ёки гонорар сифатида маълум миқдордаги маблағга эга бўлса ва унинг бирор-бир касалликка чалиниши сабабли аҳволи оғирлиги аниқланса, у ўзига яхши муносабатда бўлган дўсти, қариндоши ва бошқа хоҳлаган шахсларга мол-мулкни васият қилиб қолдиришни мумкин. Фақат бу ерда қилинаётган меросга ўзга шахснинг тазйик, зўрлаш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатмаслиги назорат қилиб турилиши лозим бўлади. Зеро, вояга етмаган фуқаро мустақил фикрга эга эмаслиги боис, ўзгаларнинг таъсирига тушиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Вояга етмаганларнинг мол-мулклари объектлари жумласига ФКнинг 209-моддасида назарда тутилган мол-мулклар (уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзгор буюмлари, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, корхоналар, мулкীয় комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари) киради. Вояга етмаганларда бу мол-мулкларнинг қайтарзда (албатта, ноқонуний қўлга киритиш ҳоллари бундан мустасно) вужудга келиши, уларга бўлган ҳуқуқни қаййўсинда амалга оширишлари (бевосита ёки билвосита) аҳамиятсиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, вояга етмаганлар вояга етганлар каби мулкка эга бўлишлари мумкин. Улар ўртасидаги фарқ асосан мулк ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида

кўринади, деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари, вояга етмаганлар билвосита ва бевосита мулк ҳуқуқини амалга оширадилар. Билвосита амалга ошириш ҳуқуқига 14 ёшгача бўлган болалар эга бўлсалар, бевосита ҳуқуққа 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар – ўсмирлар эга бўладилар. Бевосита мулк ҳуқуқини амалга ошириш – иш ҳақи ва стипендияларни эркин тасарруф этишда, кредит муассасаларига маблағ қўйишда, шунингдек майда маиший битимлар тузишда кўринади.

Умуман олганда, вояга етмаганларнинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқларини тадқиқ этишда бир қатор қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинishi лозим:

- вояга етмаган шахснинг ота-она мулки билан боғлиқлиги;
- вояга етмаган шахснинг ота-она мулкидан мустақиллиги;
- вояга етмаган шахснинг оилавий умумий мулкдаги улуши.

Ушбу юқоридаги ҳолатлар асосан оила қонунчилигида назарда тутилган. Фуқаролик қонунчилиги эса бу муносабатларни умумий асосларда тартибга солади. Оила кодексининг 90-моддасига биноан, ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор сифатида эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин эмас. Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўла олмайдилар. Оила кодекси 90-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағлар, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак (ФКнинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно). Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкани тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши ҳамда бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин (ОКнинг 91-моддаси).

Ф.М.Отахўжаевнинг фикрича, вояга етмаган болаларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари йиғма характерга эга бўлган ҳуқуқлар бўлиб, уларнинг ҳар бирига Оила кодексида алоҳида эътибор берилади. Буларнинг ичида, биринчи навбатда, ҳар бир вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқ-

дорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига биноан, оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Вояга етмаган шахсларнинг ҳаётий эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва бошқалар), одатда, энг аввало, ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари томонидан қаноатлантирилади. Бунинг учун турли моддий манбалар (иш ҳақи, болага тегишли алимент ва бошқалар)дан фойдаланиш мумкин. Уни ота-она ва вакилларнинг ўзлари танлайдилар.

Вояга етмаган шахслар ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни ўзлари тасарруф қила олмасликлари мумкин. Бундай ҳолларда улар номидан ота-оналари ва бошқа вакиллари ҳаракат қилишлари мумкин.

Оила кодексининг 92-моддасига биноан, ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин. Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида битим тузишлари мумкин. Бундай умумий мулк фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Вояга етмаганларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларининг қафолатлари “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган. Унга асосан бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

Бола хусусийлаштириш туфайли олган уйга, квартирага (уларнинг қисмига) хусусий мулкдор бўлиши мумкин. Хусусийлаштириш туфайли берилган уйлар нафақат вояга етган болаларга, шунингдек оила аъзолари ҳисобланган 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларга ҳам ўтиши мумкин. Агар уйда фақат вояга етмаган болалар яшасалар, у ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари уларни болаларнинг номига расмийлаштиришга ёрдам беради.

Вояга етмаган болалар номига ота-оналари ва бошқа шахслар томонидан қўйилган маблағларни бошқариш ва тасарруф этиш фуқаролик қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Шунингдек Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини ўқир эканмиз, унда вояга етмаганлар билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқлар ўз

ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, унинг 12-13-моддасида инсонларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари белгиланган.

Вояга етмаганларнинг уй-жой ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқ лаёқати ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан вояга етганларнинг ҳуқуқ лаёқатидан фарқланмайди. Яъни, уларнинг турар жой билан боғлиқ масалалари умумий асосда ҳал этилади. Уларнинг турар (яшаш) жойи ота-оналари, фарзандликка олган шахслар ва васий ёки ҳомий турган жой ҳисобланади.

Уй-жой кодексининг 11-моддасида уй-жой мулк ҳуқуқининг субъектлари сифатида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат эътироф этилади. Уй-жойга бўлган ҳуқуқ оила аъзоси сифатида вояга етмаган фуқарога ҳам тегишли бўлади. И.Б.Зокиров бу ҳақда фикр юритар экан, фуқароларга уй-жой берилганда, турар жой ҳажмини белгилашда оилада ҳомиладор аёлларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинишини таъкидлайди. Демак, вояга етмаган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқи нафақат улар туғилгандан сўнг, балки туғилмасдан олдин, яъни у ҳомила пайтиданок ҳимоя объектига айланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вояга етмаган шахс уй-жойга нисбатан ҳуқуққа эга, лекин бу мустақил ҳуқуқни амалга оширувчи, деган хулосани келтириб чиқармайди. Гарчи вояга етмаган шахс оила аъзоси сифатида уй-жойга нисбатан мулкдор бўлса-да, у уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини мустақил амалга ошира олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1997 йил 2 майдаги 3-сонли Пленум қарорида белгиланишича, “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонуннинг 13-моддасига мувофиқ хусусийлаштирилган турар жойда уни хусусийлаштиришига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлсалар, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобландилар, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади. Бу қоида турар жой эгасининг вақтинча бу ерда яшамаётган оила аъзоларига ҳам татбиқ қилинади.

Ижарачи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган всяга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланишлари сабабли, улар эгаллаб турган турар жойлари хусусийлаштирилган тақдирда вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар жойга нисбатан умумий эгаллик ҳуқуқига эга бўландилар”

Ушбу ҳолатдан миллий Фуқаролик кодексимиз ҳам истисно эмас. Унинг 21-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийлик остида бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланиши белгиланган ва табиийки, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари четда қолган. Ваҳоланки, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар гарчи қисман муомалага лаёқатли бўлсалар-да, вояга етмаганлик мақомини саклаб қоладилар.

Оила кодексининг 65-моддасига кўра ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига кўра, ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади. Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини саклаб қолади. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-БОБ. Инсон-фуқаро-фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.....	6
2-БОБ. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи	22
3-БОБ. Фуқароларнинг турар-жойга бўлган ҳуқуқи	40
4-БОБ. Ижод эркинлиги-инсон ҳуқуқи сифатида.....	59
5-БОБ. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишдаги ўрни	69
6-БОБ. Оила ҳуқуқ нормаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	81
7-БОБ. Вояга етмаганларнинг мулкӣ ҳуқуқлари доираси ва уни амалга ошириш	91

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА АМАЛ ҚИЛИШИ

Ўқув қўлланма

Мухаррир: *М.Баратов.*
Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*
Компьютерда саҳифаловчи: *Ф.Нурлибаев.*

Босишга рухсат этилди: 17.10.2008.
Ҳажми: 6,5 б.т. Адади: 100. Буюртма: №1390
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.